

ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ


ЭСКИ ТУРКИЙ ДИПЛОМАТИК
ҲУЖЖАТЛАР:
ТАРИХИЙ - ФИЛОЛОГИК ТАҲЛИЛ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ

**ЭСКИ ТУРКИЙ ДИПЛОМАТИК ХУЖЖАТЛАР:
ТАРИХИЙ - ФИЛОЛОГИК ТАҲЛИЛ**



Тошкент – 2015

УЎК

КБК 63.2 (5Ў)

63.2 (5Ў)

О-56

Кудратулла Омонов. **Эски туркий дипломатик ҳужжатлар: тарихий - филологик таҳлил.** – Т.: «Extremum-press», 2015.–126 б.

Қўлингиздаги ушбу монографияда дунёнинг турли фондларида сақланаётган илк ва ўрта асрлардан бизга қадар етиб келган эски туркий тилдаги дипломатик ҳужжатларнинг диахрон аспектдаги таҳлили амалга оширилган.

Китоб филологлар, тарихчилар ва айни йўналишда ўқиётган талабаларга мўлжалланган.

Тадқиқот Ф-1-136 “Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатларнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни (дипломатика, сфрагистика, палеография ва матн интерпретацияси масалалари)” мавзuidaги илмий тадқиқот гранти доирасида ёзилди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Илмий кенгаши нашрга тавсия этган (2015 йилнинг 27 ноябрдаги 3- сонли баённома).

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори, профессор **М. Исҳоқов**

Тақризчилар:

тарих фанлари номзоди **Х. Файзиев,**

филология фанлари номзоди **Б. Абдушукуров**

ISBN 978-9943-4627-6-2

© “Extremum-press”, 2015 й

© ТДШИ, 2015 й.

КИРИШ

Илк ва ўрта асрларда Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳукм сурган улкан салтанатлар Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византияни боғлаб турувчи чорраҳада ўз давлатларини барпо этганлар. Ушбу давлатлар Буюк ипак йўли савдосининг энг муҳим кесиммасида, Шарқ ва Ғарбнинг ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасида ўз миллий манфаатига уйғун келадиган мустақил ташқи сиёсатни ишлаб чиқишган. Боболаримиз ўз элчилари ва ташқи сиёсати орқали ана шу манфаатни доимо ёқлаб чиқишга интилган. Ўша қадим кезларда содир бўлган давлатлар орасидаги сиёсий ва ўзаро қўшничилик муносабатларининг изларини ёзма манбаларда ҳамда турли дипломатик расмий матнларда кўриш мумкин. Кераклиси, ушбу дипломатик ёзмаларнинг муайян қисми кунимизга қадар асл ҳолда сақланиб қолган. Шу боис, ўтмиш ёзма меросимизнинг маълум бир қисмини расмий ёзишмалар ташкил этади.

Ҳозирги кунда халқимиз онгу шуурида давом этаётган миллий, маънавий, мафкуравий тикланиш жараёнлари аждоқларимиздан қолган ёзма обидаларни янгича ёндашув асосида тадқиқ этишни талаб этмоқда. Айниқса, бу борада 2014 йил 15-16 май кунлари юртбошимиз ташаббуслари билан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция ўтмиш аждоқларимиздан қолган улкан маданий-илмий, ёзма мероснинг аҳамияти, уни ўрганиш масалалари, фандаги ушбу соҳани янги сифат босқичига олиб чиқиш йўллари белгилаб берди. Бу масалада Юртбошимизнинг Самарқанд конференциясидаги нутқи шарқшунослар ва ёзма меросимизни ўрганаётган тадқиқотчилар учун йўлловчи бўлиб хизмат қилади: *“Барчамиз яхши тушунамизки, эришилган билимларни, ўтмишда, жумладан, ўрта асрлар Шарқида амалга оширилган оламишумул кашфиётларни чуқур ўзлаштирмасдан туриб на илм-фанда, на бошқа соҳаларда*

янги, янада юксак марраларни забт этиб бўлмайди. Биз келгуси фаолиятимизда ҳам айни шу тамойилга қатъий амал қиламиз” [Каримов 2014, 23]¹.

Туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили расмий услубининг илдизлари узоқ ўтмишга эга. Бу теран илдизлар туркий давлатчилик тарихи билан узвий боғлиқ; хужжатчилик иши давлатчилик тарихи билан изма-из юради. Ҳар бир давлат ўз худудида иш юритиш қоғозлари ҳамда бошқарув ишлари, қолаверса, теварак эллар билан бўладиган қўшничилик алоқалари ўзининг она тилида бўлишини истайди. Айни ҳолат унинг мустақиллигини кўрсатувчи муҳим белгилардан биридир. Ўзбек давлатчилиги тарихида хужжатчилик ишларининг кўпроқ туркий тилда ва ота-боболардан қолган қадимги туркий ёзувларда олиб борилганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Ушбу сиёсий, тарихий ва лингвистик жараёнлар туркий расмий дипломатик услубнинг тўлатўкис, мукаммал бир қолипда шаклланиши ва раванқига кенг йўл очиб берган.

Ўзбек давлатчилиги тарихида кечган салтанатларнинг сиёсий ва дипломатик муносабатлар ҳаётидан сўзловчи нодир хужжатларнинг маълум бир қисми ўтган асрнинг биринчи чорагидаёқ нашр этилган эди. Ўтган давр мобайнида шарқшунослик ва туркология эски хужжатларни тадқиқ этиш борасида катта юксалиш йўлини босиб ўтди. Қадимги дипломатик расмий матнларни тадқиқ этиш соҳасида тўпланган тажрибаларни қўллаган ҳолда қадимий ёзувларимизда битилган кўҳна ёзмаларнинг барини комплекс равишда, бир тадқиқот доирасида жамлаб ўрганишнинг вақти етди.

Қўлингиздаги ушбу монографияда дунёнинг турли фондларида сақланаётган илк ва ўрта асрлардан бизга қадар етиб келган эски

¹ Монографияда ҳавола беришнинг кодланган шакли қабул қилинган. Бунга кўра, биринчи бўлиб ҳавола берилаётган муаллифнинг фамилияси, сўнг ишора этилаётган асарнинг нашр йили ва охирида асар саҳифаси ўрин олади.

туркий тилдаги дипломатик хужжатларнинг диахрон аспектдаги тахлили амалга оширилди. Китоб ушбу соҳада амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг дастлабкиларидан бири бўлганлиги боис айрим қусурлардан холи эмас. Уни шу йўналишдаги илк уринишнинг натижаси сифатида қабул этгайсиз.

ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАРДАН ҚОЛГАН ТУРКИЙ ДИПЛОМАТИК ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ, ТАВСИФИ ВА ТУРЛАРИ

Илк ва ўрта асрларда битилган туркий расмий матнларнинг ўрганилиши

Илк ва ўрта асрлардан қолган расмий дипломатик матнлар аждодларимиз бунёд этган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихини ўрганиш билан бир қаторда, туркий расмий дипломатик услубининг шаклланиши, тарихий такомилу ўзига хосликлари, жамиятдаги тил вазияти ва туркий тилнинг халқаро муносабатдаги мавқеини белгилашда энг ишончли, бирламчи манба бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун, мазкур ҳужжатлар топилишиданоқ, шарқшунос ва туркологларнинг кўз ўнгида бўлиб келди.

Ушбу расмий дипломатик матнлар устидаги изланишлар XIX асрнинг биринчи ярмидан бошланган эди. М.А.Оболенский 1834 йили Москвадаги Ташқи ишлар вазирлиги бош архивидан Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг поляк қироли Яғайлага йўллаган ёрлиғини топди. Мазкур битиг олимлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Ҳужжат таҳлилига йирик шарқшунослар киришди ва унинг рус тилидаги бир неча нашрлари юзага келди [Оболенский 1850; Березин 1850; Радлов 1888]. Мазкур тадқиқотлар ичида асл матнга яқини сифатида И. Березин ва В. Радлов нашрлари тан олинади [Усманов 1975, 122-124].

Инглиз шарқшуноси А. Стейн (1900–1901, 1906–1908 йй.) Марказий Осиёга бир неча марта сафар уюштирган. Ушбу экспедицияларнинг самараси ўлароқ, кўплаб ёзма ва маданий обидалар тўпланган. Айниқса, ушбу манбалар ичида туркий улуснинг кўк турк ёзувида битилган энг эски дипломатик

ёзмаларнинг борлиги муҳим. Ҳозир ушбу ёзма ёдгорликлар Британия музейида сақланмоқда.

1902–1914 йиллар орасида немис шарқшунослари А.Грунведель ва Ле Кокнинг (А. Грунведель 1902–1903, 1908–1912 йй., Ле Кок 1904–1907, 1913–1914 йй.) тўрт марта Шарқий Туркистонга уюштирган илмий экспедициялари соҳа юксалуви учун қалов вазифасини ўтади. Сафарлар чоғида қирқ мингга яқин эски туркий, санскритча, ўрғанча эроний, хитой, тибет, мўғул тилларида битилган матн узундилари, кўлёзма манбалар ва ҳужжатлар йиғилди. Улардан чамаси, ўн мингга яқини туркийда битилган ёзма ёдгорликлардир. Булар ичида ҳужжатлар сони 300 га яқин. Улар ичида дипломатик матнларнинг борлиги, айниқса, муҳим. Ҳозирда улар Берлиндаги Бранденбург фанлар академиясининг хазиналар фондида сақланмоқда [http://turfan.bbaw.de/dta/u/dta_u_index.htm]

Япон олимлари биринчи жаҳон урушига қадар Козуи Отани (1902–1904, 1908–1909, 1910–1914 йй.) бошчилигида Марказий Осиёга уч маротаба илмий экспедиция олиб борган. Ушбу сафарлар жараёнида талай ёзма ёдгорликлар тўпланиб, Японияга олиб кетилган. Улар 1948 йилга қадар К.Отанининг шахсий коллекциясида сақланган. Олим ўлимидан сўнг ушбу нодир манбалар Киотодаги Рекоку университетининг фондига ўтказилган [Yamada 1968, 47]. Киотода сақланаётган эски туркий тилдаги васиқаларнинг умумий сони элликдан ошади.

Ўз даврининг йирик синологи П. Пельо (1906–1909 йй.) Шарқий Туркистоннинг Тумшук, Маралбоши ва Қашқар кентларига сафар уюштириб, бу юртдан тўплаган ёзма ёдгорликларнинг катта бўлагини Парижга келтирган. Бугунги кунда ушбу обидалар Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Афсуски, П. Пельо фонди у қадар яхши ўрганилмаган.

Юқорида тилга олинган илмий экспедициялар давомида қўлга киритилган расмий ёзмаларни ўқиш, уларни илмий доирага

киритиш ва туркологиянинг ҳужжатлар тадқиқи билан боғлиқ йўналишини юксалтиришда турли мамлакат олимларининг ҳиссаси катта. Айниқса, бу борада В.Радлов, Р.Арат ва Н. Ямаданинг улуши айрича салмоққа эга.

В. Радлов рус ва немис экспедициялари натижасида тўпланган расмий матнларнинг биринчи нашрини амалга оширди. Олимнинг эски туркий ҳужжатлар тадқиқига бағишланган бир қанча ишларини кўрсатиш мумкин. Бироқ, бу ишлар ичида олимнинг фундаментал “Ярлык Тохтамыш ва Темир Кутлуга” тадқиқоти айрича ўринга эга [Радлов 1888].

Туркий тилдаги ҳужжатларни ўрганиш иши юқоридаги тадқиқотлар билан чекланиб қолмайди. Бу борада XX асрнинг 20-йилларида яратилган А.Самойловичнинг Темур Кутлуг ва Тўхтамыш ёрлиги тўғрисидаги мақолаларини кўрсатиш ўринлидир. Олим мазкур мақолаларида ўзигача чоп этилган ишлардаги хато ва камчиликларни кўрсатиб берди [Самойлович 1918, 1109-1124; 1927, 141-144].

Ўтган асрнинг ўрталарига келиб, туркий салтанатларнинг ҳукмдорларига тегишли янги-янги дипломатик ҳужжатлар топилди. Жумладан, Туркия фондларида сақланаётган туркий ҳужжатлар ана шундай ёзмалар сирасидан. Ушбу фондлардаги расмий матнларни илмий доирага киритиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Улар ичида А.Курат тадқиқотлари айрича ўринга эга. У Туркиянинг Усмонли султонлар қароргоҳи Тўпқопи саройи архивида сақланаётган Туркистон, Олтин Ўрда ва Қрим хонларига тегишли ёрлик ва дипломатик ёзишмаларни тўплаб чоп эттирди [Kurat 1940].

XX асрнинг йирик туркшуносларидан Р. Арат эса Туркия фондларида сақланаётган эски туркий тилда битилган дипломатик ҳужжатларни чоп эттирди. Шунинг билан бирга, ўтмишда ўтган туркий давлатларнинг девон-махкама идораларида амалда бўлган

айрим ҳуқуқий матнлари тўғрисида ҳам текшириш олиб борган [Arat 1987, 783–820].

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб дунё туркологиясида туркий тилда битилган дипломатик ҳужжатларнинг таркибий қисмлари, ички тузилиши, услуби ва юридик мақоми тўғрисидаги тадқиқотлар ҳам яратила бошланди. Рус тарихчиси А. Бернштам изланишлари ана шу йўналишда бажарилган илкин тадқиқотлардандир [Бернштам 1940, 61–84].

Булардан бошқа XIII–XV асрларнинг туркий давлатлари девон-маҳкама идораларига тегишли ҳужжатларнинг тузилиши ва услуби билан боғлиқ ишлар сифатида М.Усманов, А.Григорьев, М.Ўзетгин ва Қ.Омоновнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин [Усманов 1979; Григорьев 1978; Özyetgin 1996; Омонов 1997].

Бугунга келиб, туркий тилда битилган расмий дипломатик ёзмаларни ўрганиш иши туркологиянинг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Ҳужжатлар тадқиқи масаласи бугунга қадар давом этмокда.

Кези келганда, сўнгги 10 йилликда туркий ҳужжатлар тадқиқи бўйича Ўзбекистонда яратилган илмий тадқиқот ишларини ҳам алоҳида эътироф этиш ўринли бўлади. Соҳа бўйича яратилган ишлар қаторида Қ. Содиқов ва Қ. Омонов биргаликда яратган “Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан (Тошкент, 2010)”, “Туркий ҳужжатчиликнинг тарихий илдизлари (Тошкент, 2012)”, Қ. Содиқовнинг “Олтин Ўрда ва теурийлар даври туркий ёрлиқлари: тарихий-филологик очерк (Тошкент, 2013), Қ. Омоновнинг “XIII–XV асрларда битилган туркий ҳужжатлар дипломатикаси (Тошкент, 2013)” монографиялари айрича ўрин тутади [Содиқов, Омонов 2010; Содиқов, Омонов 2012; Содиқов 2013; Омонов 2013].

Туркий ҳужжатлар тадқиқи бўйича юқорида эсланган ишларнинг катта бўлагиди бирламчи эътибор манбашунослик ва матншунослик масалаларига, яъни матнни тўғри ўқиш ва ўғиришга

қаратилган бўлса, ўзбек олимларининг тадқиқотларида фандаги янгича ёндашувлар асосида, ҳужжатлар услубининг келиб чиқиши, такомилли ва тузилиши, давлатчилик тарихидаги ўрни сингари масалалар камраб олинган. Шу боис ушбу ишларни дунё туркологиясининг соҳа бўйича яратилган муҳим тадқиқотлари қаторида қайд этиш мумкин. Яратилган ишларнинг кўлами, сифати, ёндашув усуллари ва мазмун-мундарижасига қараб туркий ҳужжатларнинг тадқиқи борасида Ўзбекистон шарқшунослик мактабида ноёб тажриба тўпланган дейиш мумкин.

Илк ва ўрта асрларда туркий тилда битилган расмий дипломатик матнлар кўп бора чоп этилган, қатор тилларга ўгирилганига қарамай, шарқшуносликда туркий тиллар расмий дипломатик услубининг келиб чиқиши, унинг юксалуви босқичлари, ўтмиш девон-махкамачилик идораларида қўлланган расмий дипломатик матн турлари, ёзмалар таркиби, уларда тил бирликларининг танланиши масаласи, бир сўз билан айтганда, дипломатик ҳужжатлар услуби бўйича ҳали ечимини топмаган масалалар кўп.

Илк ва ўрта асрлардан қолган дипломатик ҳужжатларнинг тавсифи

Халқаро дипломатик ёзишмаларга давлатчилигимиз тарихида ҳукм сурган салтанатлардан қолган хоқон, хон ва султонларнинг бир-бирига йўллаган мактублари ҳамда уларнинг ўзларига қарам-вассал ҳукмдорларга жўнатган ёрлик-мактублари киради.

Мамлакат тахтига янги хоқон ўтирганлигини билдириш мақсадида қўшни давлатларга йўлланган билдиргулик хатлари ҳамда ҳарбий юришлар олдидан ана шу юришлар тўғрисида маълумот сифатида қолдирилган айрим эпиграфик матнларни ҳам дипломатик расмий матнлар туркумига киритиш мумкин.

Элчи ва савдогарларнинг хавфсизлигини таъмин этувчи хужжатлар, халқаро битимлар, урушда ғалаба қозонилганлик муносабати билан ёзилган (зафар ёрликлари, фатҳномалар) хужжатларни ҳам шу гуруҳга киритса бўлади.

Илк ва ўрта асрлардан қолган расмий дипломатик матнлар турли ёзувларда битилган. Туркий расмий дипломатик услуб тараққиётининг қадимги босқичларида битилган хужжатлар, асосан, кўк турк ёзувида бўлса, кейинги тараққиёт босқичларида ёзилган хужжатлар уйғур, моний, дўрбаржин, араб алифболаридадир. Эски туркий тилда битилган дипломатик хужжатларни тавсифлаш ва гуруҳлаштириш жараёнида улар битилган ёзув турлари асос қилиб олинди.

Қадимги туркий хатда битилган расмий дипломатик хужжатлар

Сўнгги даврларда топилаётган манбалар она тупроғимизда ҳукм сурган салтанатларда давлат бошқарувига тегишли хужжатлар маҳаллий тил ва ёзувларда олиб борилганлигини кўрсатмоқда. Чунончи, қадимги хитой солномаларидаги қайдлар, эрамиздан бурунги 200 йилликларда хунларнинг хитойларга йўллаган расмий ёзишмалари ҳам хунларнинг ўз ёзувлари ва тилида эканини тасдиқлайди.

Ҳозирга келиб, аجدодларимизнинг энг кўҳна ёзуви *кўк турк* (=урхун-енисей, =туркий-рун, =қадимги туркий) хатида² битилган энг эски расмий матнлар, у қадар кўп бўлмаса-да, давлатчилик тарихида амал қилган расмий дипломатик тилнинг келиб чиқиши ва тарихий тақомили тўғрисида янги илмий хулосаларни айтишга имкон берадиган даражада.

². “Кўк турк” атамасини илк бор немис шарқшуноси В.Банг фанга киритган. Бу атаманинг илдиизи ва очиқламаси Қ. Содиқов ишларида яхши ёритилган [Содиқов 2004, 6].

Шу кунга қадар топилган кўк турк хатидаги расмий матнлар анчагина. Хусусан, Муғқалъа харобаларидан чиққан терида ёзилган битим, Мўғулистоннинг Дўндгоби аймағидан топилган мухр шулар сирасига киради. Ушбу расмий ёзмалар устида кузатув олиб борган тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, мазкур кўк турк ёзувидаги матнлар илк ўрта асрларнинг VI - VIII юзйилликларга тегишлидир. Куйида кўк турк ёзувида битилган расмий дипломатик ёзмаларнинг очиқламасини келтирамиз.

Деваштич архивидан чиққан битим. Муғ тоғи суғд архиви деб юритилувчи Панжикент ҳукмдори Деваштичга тегишли хужжатлар орасида кўк турк ёзуви расмий ёзма айрича ўринга эга. Хужжат 1934 йилида профессор А. Фрейман бошчилигидаги илмий экспедициянинг изланишлари давомида топилган. У 14x10 ўлчамдаги юпка, кулранг терининг олд томонига битилган. Битиг сиёҳда ёзилган бўлиб, 6 қатордан иборат. А. Бернштам 1951 йили расмий ёзмани русча таржимаси билан чоп эттирди [Бернштам 1951,65-75]. Муғқалъадан топилган ушбу кўк турк ёзувидаги туркий тилда ёзилган битим VII асрларга оид дея тахмин этилади. Мазкур матн кўк турк хатидаги қадимги расмий дипломатик битиглар рўйхатини ва улар топилган жойлар жуғрофиясини анча бойитади, минтақамиздаги туркий тилнинг мавқеи хусусида янги ҳулосаларга олиб келади.

Кўк турк хатидаги мухр. Эътиборга сазовор ери шундаки, XX асрнинг ўрталарига келиб, кўк турк ёзувида битилган дипломатик



Қадимги туркий ёзувдаги мухр

хужжатлардан ташқари Мўғулистоннинг Дўндгоби аймағидан кўк турк хатида *quluğ* (𐰽𐰺𐰍𐰏𐰤) сўзи ўйиб туширилган тамға ҳам топилди [Alyilmaz 2004]. Шунинг сингари муҳрлардан кўк турк хатидаги дипломатик матнларни тасдиқлаш учун қўлланилганига шубҳа йўқ. Бу далил ҳам ўша чоғлари хужжатчилик ишларида кўк турк хатидан кенг фойдаланилганини тасдиқлайди. Қадимги аждоларимизда расмий матнларни шунга ўхшаш сўзлар ўйиб ёзилган муҳрлар билан тасдиқлаш анъана тусига кирганини, кейинги XI–XIII юзйилликларга тегишли туркий - уйғур ёзувидаги хужжатларда кузатиш мумкин. Бу давр дипломатик хужжатларининг катта қисми ана шу сингари “*quluğ*” шиори туширилган тамғалар билан тасдиқланган дейишга асос бор.

Тошбитигли хужжат. Туркий халқлар тарихида қоятошларга кўк турк хати билан ёзилган кўплаб эпиграфик ёдгорликлар мавжуд. Мазкур ёзма обидалар туркшуносликда икки гуруҳга ажратилиб ўрганилади: ёднома матнлар ва ташриф битиглари.

Қоя ва тошларга ўйиб ёзилган ташриф битигларига (хабар мазмунидаги, қайси уруғ вакиллари ташриф буюрганлиги ҳақидаги битиглар) қадимги чорвачи туркий халқларнинг расмий иш юритишидаги ўзига хос дипломатик хужжати сифатида қарашни тақозо этмоқда. Ташриф битиглари матнлари устида олиб бораётган изланишларимиз ҳамда уларнинг таҳлили, бунинг сингари матнлар функциясига кўра, расмий *тошбитигли хужжат* вазифасини ўтаганлигини кўрсатмоқда [Омонов 2004, 115–117]. Шунинг учун бунинг сингари манбалар шартли равишда тошбитигли хужжат номи билан аталди.

Урхун обидалари. Кўк турк обидалари туркий халқларнинг минг йиллар билан бўйлашадиган тарихи давомида майдонга келган ёзма ёдгорликларидан бизга қадар етиб келганлари сирасида биринчиси ва энг нодиридир. Ўтмиш ҳақиқатларини ўша қадим кезларда бу даражада юксак адабий тилда ёритган бунингдек

ёдгорлик дунёда мавжуд эмас; обидаларда туркий қавмларнинг ўтмиши тошларга ўйиб абадийлаштирилган.

Урхун битиглари тарихий-адабий, эпиграфик ёдгорликларгина эмас, балки ўз даври расмий тили ва қонунчилигининг ҳамда дипломатиясининг ҳам ишончли манбаларидандир. Кўк турк ёдгорликларининг тадқиқотчиси Қ.Содиқовнинг қарашича, “Йўллик тигин турк тарихнавислигини юқори босқичга олиб чиқди. У туркий матнавислик ва тарихнависликда матн тузишнинг янги хос шаклини яратди. Унинг асарларида турли тип матнлар аралаш қўлланган; хоқон мурожаати, ёрликлар, ҳатто марсия ва таърих муайян изчилликда умумий қолипга жойланган” [Содиқов 2004,28]. Асосан, Турк хоқонликларининг ҳукмдорлари тилидан битилган матнлардагина ёрликни учратиш мумкин. Бошқа битигларда, хусусан, Тунюқуқ битигида уни кўрмаймиз. Айтиш мумкинки, хоқонлар битигларга ўзларидан кейин улусга қолдирадиган ёрликлари деб қараганлар. Шу ўринда бир мисол. Билга хоқон ва Кул тигин битигларининг бошланиш қисмида хоқонликнинг пойтахти Ўтуқан шаҳри мустаҳкамлангандан сўнг Табғач (Хитой) империяси билан дипломатик муносабатларни ўрнатилгани баён қилинади. Матнда дипломатик муносабатларни ўрнатиш *Tabğaç bodum birlä tüzültüm* формуляри билан берилади [Абдурахмонов, Рустамов1982, 89]. Мазкур ўринда *tüzültüm* феъли дипломатик услубга хос бирлик бўлиб, икки давлат ўртасида ўзаро элчилик муносабатларини ўрнатилганлигини билдиради. Шундан сўнг матнда Табғач давлати ташқи сиёсатининг муҳим хусусиятлари ва қўшни давлатларни қарамликда ушлаб туриши учун кўпроқ қандай сиёсий тадбирлардан фойдаланиши баён қилинади. Шунини кўзда тутганда, кўк турк битигларини бизга қадар етиб келган давлатчилик бошқаруви ҳамда дипломатия тарихи билан боғлиқ матнлар сифатида ўрганиш ва талқин этишнинг пайти келди.

Моний ёзувида битилган дипломатик васиқалар

Кунимизга қадар моний хатида битилган диний-фалсафий асарларни билар эдик. Энди эса моний хагини туркий халқлар давлат идора ишларида, дипломатик муносабатларда ҳам қўллаганликлари ойдин бўлмоқда. Ана шу сингари ёзмалардан бир талайи Берлин фондида сақланади. Улардан иккитасини Р.Арат чоп эттирган [Arat 1987, 492–503]. Унга кўра, бу икки васиқа хоқоннинг тахтга ўтириши билан боғлиқ билдиргулик матнининг қораламаси саналади.

Уйғур хоқонига тегишли билдиргулик. 28.5x17 см ўлчамдаги қоғознинг олд томонига моний ёзувида 24 қаторли матн битилган. Битигда ҳукмдор ўлимидан сўнг тахтга янги хоқоннинг чиқиши баён этилиб у уйғур хоқонларига бериладиган *iduq qut* унвони билан аталиши билдирилади. Битиг тадқиқотчиси Р. Аратнинг қарашига кўра, ушбу билдиргулик Қўчу-уйғур давлати ҳукмдорларининг тахтга келиши муносабати билан ёзиладиган билдиргулик васиқасининг намунаси бўлиши мумкин [Arat 1987,503].

Илиг идиқут Авлавч билдиргулиги. Моний хатида битилган ушбу билдиргулик юқорида очикламаси келтирилган битигнинг терс томонига ёзилган. Матн 24 қатордан иборат. Битигда хоқоннинг ўлимидан сўнг давлат тахтини илиг идиқут Авлавч (*iligimiz iduq qut Avlavč*) бошқариши билдирилади. Р.Аратнинг фикрича, ушбу билдиргуликлар эрамизнинг IX асрида битилган [Arat 1987,503].

Туркий-уйғур хатида битилган дипломатик ҳужжатлар

Буюк алломалар Маҳмуд Кошғарий ва Алишер Навоий *туркча хат* (=туркий-уйғур, =уйғур, =қадимги уйғур ёзуви) деб атаган

ушбу ёзув илдизи оромий ёзув тизимига бориб туташади. Қуйида ана шу ёзувда битилган расмий ёзмалар тўғрисида тўхталамиз.

Ўрта асрлардан қолган халқаро дипломатик ва давлат ҳукмдорлари отидан берилган туркий-уйғур хатидаги расмий ёзмалар ҳам анчагина. Булар:

Тўхтамиш ёрлиғи. Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг поляк қироли Яғайлага йўлаган ёрлиғи 1393 йилда ёзилган. У туркий хужжатлар ичида асл ҳолатда сақланган дипломатик ёзишмалардандир.

Матн икки варақ ялтироқ қоғозга битилган. Биринчисининг узунлиги 39,6 см, иккинчиси эса 41,8 см; иккаласининг эни ҳам 19,8 см дир. Хужжат қора сиёҳда варақларнинг олд томонига ёзилган; ёзув тартиби ўнгдан чапга³. Варақларнинг иккисига ҳам буқа бошининг тасвири туширилган [Валиханов 1961, 131] Ёрлик матни варақнинг ўнг томонидан кўчирилган бўлиб, биринчисида 13 қатор, иккинчисида 12, жами 25 сатрдан иборат. Хужжат *Toqtamiš sözü* деб бошланади. Биринчи варақдаги биринчи сатр (*Toqtamiš sözü*), олтинчи сатрнинг биринчи сўзи (*bizgä*), шунингдек, иккинчи варақнинг ўн тўртинчи сатр бошидаги (*täñri bizni yarliqap*) ҳамда саккизинчи қаторнинг биринчи сўзи (*bizgä*) зарҳал рангда ва бошқа сатрлардан ажратиб (ўнгротда) кўчирилган. 18- сатрдаги *bizgä* сўзини янги қатордан бошлаш мақсадида 17- сатр варақнинг ярмигача битилган. 3-5- сатрлар қолганларидан ичкарироқ (чапроққа) ёзилган. Улар олдида араб ёзувининг куфа турида битилган, бири иккинчисининг ичига жойлаштирилган 6,3x6,6 см. ли тўртбурчак шаклидаги хоннинг олтин муҳри босилган. Муҳр араб тилида бўлиб ўртасида: *السلطان العادل طوقتاميش as-Sultānu-l-ā'dilu Toqtamiš* (адолатли султон Тўхтамиш), ташқи томонида: *Bismi-l-lahi-r-rahmani-r-rahim. La ilaha illa-l-lahu Muhammadu-r-rasul-ul-*

³ В.В. Радлов ёрликнинг ёзув тартибини юқоридан пастрга қараб ёзилган деб қайд этган [Радлов 1888, 4].

lahi. Salla-l-lahu a'layhi va-s-sallam (Меҳрибон раҳмли Аллоҳнинг оти билан бошлайман. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси. Унга Аллоҳнинг саловат ва саломи бўлсин) калималари битилган [Усманов 1979, 144].

Ёрликнинг сўнги 23–25- сатрларида ҳужжатнинг ёзилган санаси келтирилган: *taqaғu yil tarix yiti yüz toqsan beštā rajab ayiniñ säkiz yaғida ordu Tanda erürdä bitikdimiz* (Товуқ йили тарих (ҳижрий)нинг етти юз тўқсон бешида (=1393), ражаб ойининг саккизинчи янги (кун)да қароргоҳ Танда эканида ёздик).

Ҳужжат нафис туркий - уйғур хатида бўлиб, моҳир хаттот томонидан битилганлиги кўриниб туради. Ёрликнинг хат шакли XIV–XV асрларда ёзилган бошқа уйғур ёзувли ёдгорликлар хатидан ажралиб туради. Матн туркий-уйғурнинг эски кўринишларини эслатади. Шу сабабли, В. Радлов уни “Ўғузнома” достонининг хат шаклига ўхшатган эди [Радлов 1888, 4].

Ёрликни 1834 йили М. А. Оболенский ⁴ Москвадаги Ташқи ишлар вазирлигининг бош архивидан топган. Ҳужжат Краковдаги подшолик фондида сақланган поляк муаррихи Адам Нарушевич ⁵ архивида бўлган қоғозлар ичидан чиққан [Султанов 1978, 235].

Асл ҳужжат бир қанча муддат топилган жойида сақланди. 1921 йилга келиб у Польша ҳукуматига топширилди. Ҳозирги кунда матн Варшавадаги Марказий архивда сақланмоқда.

Абу Саид кўрагон битиги. Турон юрти султони Соҳибқирон Темурбекнинг иккинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо авлодидан Абу Саид Мирзонинг оқ қуюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасанга йўллаган

⁴ Оболенский Михаил Андреевич (1805 - 1873) – тарихчи, Москвада Ташқи ишлар вазирлиги бош архивининг директори. Ёрликни биринчи бўлиб нашр қилдирган. Қаранг: Ярлык хана Золотой Орды Тохтамыш к польскому королю Ягайлу, 1392 – 1393. Казань, 1850.

⁵ Нарушевич Адам Станислав (1733 – 1796) – йирик поляк тарихчиси ва шоири. Вилен академиясининг профессори. Поляк халқи тарихи ва Қрим тарихига оид бир қанча асарлар муаллифи.



ёрлиғи эски ўзбек тилида битилган муҳим дипломатик ёзишмалардан бири саналади. У Истанбул, Тўлқопи саройи музейи архивида сақланмоқда (Е 12307 кўрсаткичли васиқа). Матн икки хил ёзувда. Бошлаб, туркий - уйғур ёзувида битилиб, ҳар қатори араб хатида очиқланган. Матн бир-бирига елимлаб чиқилган уч бўлак оқ қалин қоғозга битилган бўлиб, унинг узунлиги 144 см., эни 27 см. Расмий ёзмада 76 қатор ўрин олган. Хужжат яхши сақланган.

Матнда бошдан оёқ Тангри, Абу Саид ва темурийларга тегишли киши отлари янги қатордан бошланиб, зарҳал рангда битилган. Хужжат сўнгида 71–74 қаторлар ўртасида 8.5 x 8.5 ўлчамдаги хоннинг олтин тамғаси босилган. Тўртбўрчак кўринишга эга муҳрнинг юқорисида *Bismi-l-lahi-r-rahmani-r-rahim* (Меҳрибон раҳимли Аллоҳнинг оти билан бошлайман) жумласи, ўнг томонида *La ilaha illa-l-lahu* (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ), сўл томонида *Muhammadu-r-rasul-ul-lahi* (Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси) калимаси ва ост томонда *al-Hasan va-l-Husayin* оти ёзилган. Муҳрнинг тўрт бурчагида тўрт халифанинг - *Abubakir, Umar, Usmān* ва *A'li* исмлари битилгандир. Муҳр ўртасида *as-sultanu-l-a'zam va-l-xaqanu-l-akram muğisu-l-haq va-d-din sultan Abu Said Kōrāgān xalida-l-lahu mulkahu va sultanahu* (Адолат ва диннинг кўриқчиси буюк султон ва кароматли хоқон султон Абу Саид Кўрагон. Аллоҳ унинг мулки ва салтанатини юксалтирсин). Ёрликнинг 75-76- қаторларида тарих келтирилган: *Sičqan yili rabi'u-l-avval ayiniñ yigirmi ikisidä Miyanada erkändä bitildi*. Ушбу қайддан хужжат 1468 йили 10 июлда Миёнада (Озарбайжондаги кент) битилгани ойдинлашади.

Ёрлик-мактуб Тўлқопи саройига қачон келтирилгани қоронғу. Турк тарихчиларининг текширишича, 1473 йили султон Меҳмеднинг Узун Ҳасан устидан қозонган зафаридан сўнг олинган ўлжалар ичида ушбу битиг ҳам бўлган [Kurāt 1940, 119].

Мактубни А. Курат транскрипцияси, факсимили, изоҳ ва туркча ўғирмаси билан нашр этган [Kurat 1940,119-134; 195-200].

Султон Меҳмеднинг зафар ёрлиғи. Усмонли султонлар ҳам ўз расмий ёзишмаларида туркий - уйғур хатини қўллаганларини тасдиқловчи далиллар бор. Кунимизга қадар улардан айримлари сақланган. Улар ичида Фотиҳ Султон Меҳмеднинг оқ куюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасан устидан қозонилган ғалаба тантанасига бағишлаб ёздирган зафар ёрлиғи муҳим аҳамият касб этади.

Усти туркий-уйғур ва ости араб хатидаги ҳужжат эски ўзбек адабий тилида битилган. Фатҳнома Тўпқопи саройи музейи архивида сақланади (11980–А шифрли ҳужжат). Ёрлиқнинг узунлиги 43.5–54 см. ва эни 21–24 см. бўлган 15 бўлак қоғозлар бир-бирига улаб тайёрланган. Васиканинг бор узунлиги 7 метру 10.5 см. Ялтироқ, оқ қалин қоғозга битилган матн 201 қатордан иборат.

Матн туркий ҳужжатчилик анъанасига кўра расмийлаштирилган бўлиб, 1–5 қатор, тангри ва султон Меҳмедни билдириб келган сўзлар зарҳал рангда битилган. Ёрлиқнинг бошидаги ҳамд қисми (*huvva-l-ğani*) бошқа қаторлардан ўртага ажратиб ёзилган.

197–201 қаторлардан васиканинг ёзилиш санаси ўрин олган: *tarix sâkiz yüz yitmiş sâkizdâ yûlan yûl rabi' u-l-ahir ayinîñ beşidâ Qara Hisarda erürdâ bitildi*. Бу тарих мелодий 1473 йилнинг 30 августига тўғри келади.

Фатҳномани 1939 йилда Р. Арат транскрипцияси, турк тилига таржимаси, сўзлиги ва факсимили билан чоп қилди [Arat 1987, 783–820].

Араб хатида битилган дипломатик ҳужжатлар

Кунимизга қадар ўрта асрлардан етиб келган араб хатидаги туркий расмий битиглар ҳам анчагина. Қуйида уларнинг очиқламасини келтирамиз.

Гуюкхон битиги. Мўғул салтанати ҳокони Гуюкнинг (1246–1249) рим папаси IV Иннокентийга йўллаган битиги 1246 йили ёзилган. Битиг *Māñū tāñri küčündä kür uluğ ulusnuñ talıynıñ хан уарлїғиміз* унвони билан бошланган. Уни француз шарқшуноси П. Пельо чоп эттирган [Pelliot 1923,3–30].

Олтин Ўрда хонларининг дипломатик ёзишмалари. Олтин Ўрда ҳукмдорларининг Усмонли султонларга йўллаган мактубларидан учтаси кунимизга қадар етиб келган. Улар усмонли султонларнинг қароргоҳи Тўпқоқи саройи архивида сақланмоқда. Биринчи битиг Улуғ Мухаммаддан II Муродга йўлланган. Мактуб 10202 шифри остида сақланмоқда. Битиг 200,3 x 28 см. қоғозга битилган бўлиб, 19 қатордан иборат. Матн сўнгида *sana 831* рақамлари битилган. Бу эса ҳужжатни 1428 йилда ёзилганини кўрсатади.

Дипломатик ёзишмалардан яна бири 1466 йили Олтин Ўрда ҳукмдорларидан Маҳмудхоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган битигидир. Мактуб 141x27 см. ўлчамдаги қоғозга битилган бўлиб, 21 қатордан иборат. У Тўпқоқи музейининг архивида Е. 10202 шифри билан сақланмоқда.

Тўпқоқи саройида сақланаётган Олтин Ўрда ҳукмдорларига тегишли учинчи ҳужжат Аҳмадхоннинг битигидир. У 1477 йилда Фотиҳ Султон Меҳмедга йўлланган. 24 қаторли матн 69 x 21 см. ўлчамдаги қоғозга битилган. Е. 6464 рақами остида сақланаётган мактуб ва юқорида қайд этилган икки битигни А.Курат транскрипцияси, ўғирмаси, фотоси ва изоҳлар билан чоп этган [Kurat 1940, 6–60].

Қрим хонларининг ёрлик ва битиглари. Ушбу туркум расмий ёзмалари Қрим хонларининг 1453 йилдан бошлаб 1479 йилга қадар берган ёрликлари ва усмонли султонларга йўллаган мактубларини қамрайди. Хужжатлардан 11 донасининг транскрипцияси, таржимаси ва фотоси М.Ўзетгин ишларида келтирилган [Ўзетгин 1996,112–128].

Олтин Ўрда ва Қрим хонларининг халқаро дипломатик ёзишмалари устида тадқиқот олиб борган туркшуносларнинг қарашига кўра, ўша кезлар бу давлатлардан ва бошқа барча туркий салтанатлардан йўлланган мактублар чигатоёй туркийсида (эски ўзбек адабий тилида) битилган [Гузев 1972,238 – 243].

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари – қорахонийлар давлати дипломатиясининг намунаси сифатида. Давлат бошқаруви ва қонунчилиги ҳамда туркий дипломатиянинг ўзига хос қирралари таҳлил манбаларнинг энг юқори чўққисини “Қутадғу билиг” асарида кўрамиз. Асар қорахонийлар даврининг бош қомуси – конституцияси даражасидаги китобдир. Ўрта асрларда давлат қонунларини ўгиту йўсунар кўринишида, бадийий йўл билан ёритиш анъанасини шарқ адабиётида Юсуф Хос Ҳожиб бошлаб берди [ҚБ 1971]. Адибнинг энг катта ютуғи шундаки, у давлат ва жамиятни бошқаришнинг йўл-йўриқларини, давлат тузукларини бадийий кўринишда ёритиб берди. Унинг бу ихтироси шарқ халқлари адабиётида кенг тус олди. Буни салжуқийлар вазири Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”(1077) ҳамда амир Кайковуснинг ўғли Гилоншоҳ учун ёзган “Қобуснома” (1082) асарлари мисолида кузатамиз. Таъкидлаш ўринлики, “Қутадғу билиг” туркий тилда яратилган буюк мафкуравий асардир. У туркий халқлар дунёқариши ва давлат бошқарувининг азалий анъаналари билан ислом мафкураси уйғунлашган асар сифатида юзага келди [Омонов 2010, 3].

Монографиянинг ушбу қисмида илк ва ўрта асрлардан қолган барча дипломатик хужжатлар ва ёзма манбалар тавсифини қамраб

олишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ушбу бўлимда туркий расмий дипломатик услуб тарихида муҳим ўрин тутган ҳужжатларнинг очиқламасини бериш билан чекланилди. Тавсифи келтирилган ҳужжатлар таҳлилидан ўтмиш аждодларимизнинг дипломатик муносабатлар амалиётида расмий дипломатик матнларнинг қатор турлари қўлланганлиги аён бўлмоқда. Шунингдек, уларнинг канцелярия маданияти юксак даража бўлганлиги ҳам ойдинлашди.

Дипломатик муносабатларда қўлланиладиган ҳужжат турлари

Ҳужжат номи муайян турдаги расмий матннинг алоҳидалигини кўрсатувчи восита сифатида юзага келади ва қўлланади. Тўғри ва асосли ишлаб чиқилган ҳужжат номиданоқ унинг маъноси, иш юритиш амалиётидаги вазифаси, расмий матн моҳияти, ишлатилиш ва қўлланиш қуршови тўғрисида маълумот олиш мумкин. Шунинг қаторида, ном ҳужжат мазмунини, расмий матн ортидаги юкни ва мақсадни белгилаб беради. Синчковлик билан танланган атама ҳужжат таркиби ва тизимини айна расмий матн орқали эса, бутун элнинг хўжалик, сиёсий, маданий ҳаётини тартибга солади.

Ҳужжатнинг ўйлаб қўйилган номи иш юритиш маданиятининг муваффақиятига замин ҳозирлайди. Ном ҳужжат тузишнинг қонунқоидалари ва унинг лисоний расмийлаштириш жараёнида ўзига хос йўлбошчи вазифасида бўлади.

Аёнки, ҳужжатдаги маълумот қисқа, лўнда, аниқ, тез эсда қоладиган ва илдам уқиб олинадиган бўлиши керак. Расмий матн номини танлаганда айна шу шартлар кўпроқ талаб қилинади. Ҳужжатда ортиқча маълумотларга йўл қўйилмас экан, ном танлаганда бу жиҳатга икки карра кўпроқ эътибор қаратилади. Ҳужжатнинг оти ҳар бир сўзи билан ҳужжат мақсадини, матнда акс этаётган расмий муносабатнинг ойнаси бўлиши шарт. Расмий мулоқотда тўғри қўйилган ва мустаҳкам ўрнашган ҳужжат номи

матнда баён этиладиган мақсаднинг қисқа ва аниқ мазмунини акс эттиради.

Кўпинча, ҳужжат оти матндаги таянч тушунча ва сўзга (одатда феълларга) таянади, у билан узвий семантик алоқага киришади. Расмий матндаги ўзак мақсадни ифодалаган феъл ҳужжат номида от туркумига кўчади. Таянч сўз теварагида матн синтаксиси, доимий қурилма ва тузилмалар юзага келади. Ҳужжат номидаги айни таянч сўз ўтмишнинг муайян даврда ишбилармонликнинг юксалган тармоғи ва тушунчаларини кўрсатиб берган.

Ҳужжат оти матннинг қайси расмий ёзма турида эканини кўрсатувчи асосий унсуридир. Расмий матн номидан унинг тури аниқ кўринади. Номда расмий услуб турининг аҳамиятли ва муҳим белгилари акс этган бўлади.

Расмий ёзма тури – тарихан шаклланган ва девон-махкама ишида мустаҳкам ўрнашган матн. Ном ҳужжат турини кўрсатувчи муайян белги, у расмий ёзманинг бирор бир турида юзага чиқади ва реаллашади. Расмий ёзма тури тушунчаси ҳужжат оти тушунчасидан анчайин кенгроқ. Ҳужжат отида жамиятнинг мафқураси, дунёқараши, жамиятдаги тил вазияти акс этади, тур эса бу жиҳатлардан холи. Маълум давр ўтиши билан муайян ҳужжат оти ўзгариши мумкин, лекин бирор бир расмий ёзма мустақил тур сифатида жамиятнинг иш юритиш ва маъмурий институтларида ўз фаолиятини давом эттираверади.

Давр ва жамият ўз кўзқарашларини ўзгартиб боради, бу расмий матнларнинг мазмуни ҳамда тузилишига таъсир этмай қолмайди. Ҳужжат турлари даврнинг услуби ва талабига жавоб берадиган замонавий номларга алмаштирилади. Янги мафқура, янги услуб янги номни талаб этади.

Илк ва ўрта юзйилликларда дипломатик муносабатларда қўлланилган ҳужжатларнинг айримларини қуйида келтираемиз:

Yarlīg. Энг қадимги кезлардаёқ тикланиб улгурган ҳужжат турларидан бири. Yarlīg – хоқоннинг хати, буйруғи кўринишидаги

хужжатларнинг умумий оти [ДЛТ.Ш,49]. Хунлар канцеляриясида ҳам бу атама “хоқоннинг буйруғи” англамида ишлатилган. Туркий халқларнинг иш-юретиш тарихида ёрлик хужжат тури сифатида ўзига хос алоҳида мавқега эга. Туркий девон-махқама ишларида бу хужжатнинг қўлланилув доираси асрдан-асрга, салтанатдан-салтанатга кенгайиб борган. Ўрта асрларга келиб бу атама орқали хукмдорга тегишли барча расмий матнлар тушунилган. Ўтмиш хужжатларини текширган тадқиқотчилар ўрта аср ёрликларининг куйидаги турларини кўрсатиб ўтади [Усманов 1979, 243–244]:

1. Фармойишлар (давлат қонунлари, буйруқлар ва маъмурий кўрсатмалар).

2. Имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрликлар (тархонлик – суд ва солиқлардан озод қилинганлик тўғрисидаги хужжатлар; суюрғал – давлат олдидagi хизматлари эвазига бериладиган тортиқ ёрликлари; шахснинг бирор лавозимга тайинлангани хусусидаги хужжатлар; элчилар ва савдогарларнинг хавфсизлигини таъмин этувчи хужжатлар; давлатга тегишли муассасаларнинг ижарага берилиши тўғрисидаги хужжатлар).

3. Ёрлик-мактублар (қарам давлатларга йўлланган ёрликлар).

4. Битимлар (ўзаро тенг томонлар ўртасида тузилган битимлар).

Ҳозир кезде *yarliġ*, асосан, дипломатик ёзишмалар турига кирувчи бир юрт элчисининг бошқа бир юрт бошлиғига келтирган “ишонч ёрлиғи” бирикмаси таркибида сақланиб қолган.

Bitim. Иш ёзмалар ичида қадим замонларда шаклланиб улгурган хужжат туридан яна бири “битим”дир. У VII юзйилликларга тегишли Деваштич архивидан чиққан кўк турк ёзувли хужжат номида [»НН» bitim] келган [Бернштам 1951,65–75]. Мазкур лексик бирлик “ёзма битишув, ёзма кўринишдаги ярашув” англамидаги *bit-* феълига от ясовчи *-m* қўшимчаси қўшиш орқали (*biti-m*) ясалган. Ҳуқуқий ёзмаларда “ёзма келишув, битишув” (дипломатик мурося) маъносини ташиган. Айни маъно

ва кўринишда боболаримизнинг расмий матнчилик услубида қўлланган бу атама, мана бир неча юзйиллардан бери элимизнинг иш ёзмалар амалиётида беминнат хизмат қилиб келмоқда. Бу сўз билан аталган ҳужжат орқали қанчадан-қанча бир-бирига қарши эллар ва “битмаган ишлар” битиб келган. Билгин халқимиз ана шуни кўзда тутиб, ўз нутқида келиша олмаган кишиларга қарата “бир битимга келиб олинглар” деб, айтиши бежиз эмас.

Bildürgülük. Дипломатик ёзишмалар турига кирувчи қадим ҳужжатлардан бири *bildürgülük* дир. Асосан, мамлакат тахтига янги хоқон ўтирганлигини билдириш мақсадида қўшни давлатларга йўлланадиган дипломатик-билдирув мактуби. *Bildürgülük* лексемаси “билмак” маъносидаги *bil-* феълига *-dü* ўтган замон шакли ва *-r* феълнинг нисбат кўриниши қўшилиб *bildür* ясалган. Унга *-gü* сифат ясовчи қўшимча ва от ясовчи *-lük* қўшилиши орқали ясалган. Ушбу атама “Ўғузнома” достонининг уйғур ёзувли қўлёзмасида қайд этилган. Унга кўра, Ўғузхоқон тахтни эгаллагандан сўнг билдиргулик битиб, тўрт томондаги элларга ўз чопарларини жўнатганлиги айтилади. Достонда ана шу билдиргуликнинг мазмуни ҳам келтирилган. Мана ўша билдиргулик: *Bildürgülük bitidi, elçiläriğä berib yebärdi. Oşbu bildügülükte bitilmiş erdi-kim, men uyğurniñ qağani bola-män, kim yerniñ tört buluñimniñ qağani bolsam keräk turur. Senlärdän baş çalunğuluq tiläb men turur. Oşal kim meniñ ağızumğa baqar turur bolsa, taratğu tartib dost tutar-män, deb dedi, oşbu kim ağızumğa baqmas turur bolsa çamat çaqib çerig çekib duşman turur-män. Tağuraq basib asturib yoq bolsunğıl deb qilur-män* (Билдиргулик битиб, элчилардан бериб юборди. Ушбу билдиргуликда шундай деб ёзилган эди: “Мен уйғурнинг хоқони бўлман, ер юзи тўрт тарафининг хоқони бўлсам керак. Сизлардан менга итоат этишингизни сўрайман. Ким менинг оғзимга боқадиган бўлса [яъни менга итоат этса], тортиқ бериб, дўст тутаман. Мабодо ким оғзимга боқмайдиган бўлса [яъни итоат этмаса], дарғазаб бўлиб, қўшин

тортиб, уни душман тутаман. Кўққисдан босиб, дорга остириб йўқ қиламан”). [Махмудов, Содиков 1994,98–99].

Ушбу атаманинг дипломатик ёзишмаларда бошқа бир кўриниши ҳам учрайди. Чунончи, 1468 йили битилган теурий султонлардан Абу Саид Мирзонинг оқ куюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасанга йўллаган эски ўзбек тилидаги ёрлиғида *bildürä* шакли келади. Ёзишмадан олинган ўша бўлак куйидагича: *Men dađı Tenri ināyatıǵa siđinip seniñ üstünjä yürüdüm tep bildürä yibärip erdim.* – “Мен ҳам Тангри иноятига сизиниб, сенинг устинга юридим деб **билдиргулик** йўллаган эдим.

Юқоридагилардан ташқари улкан ҳарбий тўқнашувлар ва жанглар олдидан ана шу юришлар ҳақида қолдирилган билдирги характеридаги эпиграфик матнлар ҳам мавжуд. Бунинг сингари матнларни ҳам дипломатик расмий матнлар туркумига киритиш мумкин. Хусусан, Амир Темурнинг 1391 йили Улуғтоғ мавзесида ўрнатган битигтоши айна шу турга мисол бўла олади.

Ҳозирги ўзбек тилининг иш юритиш амалиётида қўллаётганимиз “билдирги”, “билдирув” тарихий анъанани қайта тикланган кўринишидир. Бу ўзбек тили иш ёзмаларининг ҳужжатлари отидаги узлуксизликни кўрсатувчи далил саналади.

Bitig. XI–XII асрларга келиб ҳужжат номи ва турини англатувчи атамани яшашда, асосан, ўша кезга қадар ишлатилган айрим сўзларнинг маъносини кенгайтириш йўлидан борилган. Бунга кўра, кундалик турмушда ишлатиладиган лексик бирлик ҳужжатлар матнига кирганда атамалик хусусиятини ташиган. Масалан, *bitig* сўзи мулоқотда китоб, ёзилган нарса (*biti-g*) англамида ишлатилган. У расмий матн услубида эса “ҳужжат, васиқа, акт” маъноларини ташиган. Бунга далиллар етарли. Берлин фондида U 5239 сон билан сақланаётган ҳужжат сўнггида шу англамда қўлланилганини кўрамиз: *bu bitigni men Buyan Tämir öz iligin bitiyü tegintim.* – “Бу ҳужжатни мен Буян Темир ўз қўлим

билан ёздим”. Айни шу ердан сўзнинг янги ҳаёти бошланган ва *bitig* лексемаси ёрдамида ўнга яқин хужжатларнинг оти ясалган. Чунончи, XI–XIV юзйилликлар туркий салтанатларнинг девон-маҳкамачилик ишида фаол қўлланилган *baş bitig*, *çin bitig*, *çin baş bitig*, *idiş bitig*, *õñ bitig*, *vuçun bitig*, *yantut bitig*, *aia bitigi*, *bodun bitig*, *õtúg bitig*, *biçğas bitig*, *birt bitig* сингари хужжат турларининг оти ана шулар сирасида туради. Бугунги хужжатчилик ишида қўлланилаётган баённома, тавсиянома, тавсифнома, маълумотнома, ишончнома, гувоҳнома, йўриқнома, шартнома, қайднома, далолатнома сингари расмий ёзмалар оти таркибидаги “нома” компоненти ўрнини илк ва ўрта юзйилликларда *bitig* лексемаси тўлақонли эгаллаган эди. Қадим девон-маҳкамачилик ишида *bitig* компоненти ҳозирги хужжатчилигимизда “нома” лексемаси бажараётган вазифада турган. Ҳозир ҳар икки хужжатдан бирининг отида “нома” лексемаси келади. Бир сўзни қайта-қайта қўллаш услубни суслаштиради. Ўрни билан иш юритишда “нома” ўрнига “битиг”ни қўллаш мумкин.

Boşuğ – ҳукмдор ўзига йўлланган элчининг қайтиб кетиши учун берадиган ижозат қоғози. Ушбу сўзнинг ўзаги *boş* – “озод, эркин” маъносидан. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, элчиларга бериладиган тортиқ ва сийловга ҳам шу атама қўлланган. Кейинчалик бу ҳуқуқий атама халқ тилида узокдан келган қариндошга бериладиган тортиққа ва уларга атаб тайёрланган овқатга ҳам *boşuğ aşı* яъни, “руҳсат оши” англамида қўлланилган [ДЛТ.І,352]. Бу эса ҳуқуқий атамани халқ нутқида ҳам қўлланганлигини кўрсатади.

Yumuş – икки ва ундан ортиқ киши орасида элчилик қилиш. Уларнинг хабарини бир-бирга етказиш. Ушбу атама восита хати (посредническое послание) англамида қўлланган [ДЛТ.ІІІ,19].

Biçğas bitig. Кишилар ўртасидаги ёзма келишув, аҳднома. Бу атаманинг *başığ* варианты ҳам бор. Девонда ушбу ҳуқуқий атама билан боғлиқ шеърый узунди ҳам берилган [ДЛТ.І,352,427].

Юқорида келтирилган кўзкарашлар боболаримиз хужжатчилик ишида расмий ёзма отини танлашда тўғри ва асосли йўл туганларини кўрсатмоқда. Аждодларимиз хужжатлар отини юзага келтиришда тўплаган тажрибалардан бугунги расмий матнлар номини ҳам шакллантиришда фойдаланиш вақти келди.

ТУРКИЙ ДИПЛОМАТИК ХУЖЖАТЛАР ГЕНЕЗИСИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Дипломатик ҳужжатларнинг юзага келишига асос бўлган омиллар

Стилистика тарихи йўналишида ишлаётган тадқиқотчиларни жамият тараққиётининг қай босқичида расмий услубнинг дипломатик тури келиб чиқа бошлаганлиги қизиқтириши табиий. Маълум маънода, дипломатик ҳужжатлар услуби - давлатчилик тарихи, қўшничилик муносабатларнинг юзага келиши билан боғлиқ. Бироқ, масала моҳиятига чуқурроқ қаралса, расмий қоғозлар ва уларнинг услуби анча эски тил ҳодисаси эканлиги, у чуқур, босқичма-босқич такомиллашиб келган жараён эканлигининг шоҳиди бўламиз. Услублар тарихидаги бу жараён, назаримизда, давлатчилик институтлари юзага келмасдан бурунроқ шакллана бошлаган. Бу даъвони исботлаш учун ўрнаклар кўмагига таянамиз.

Маълумки, кишилиқ жамияти пайдо бўлишиданок инсонларда теварак-борлиқни идрок этиш ҳисси шакллана борган; ўзини ўраб турган олам билан танишув жараёни кечган. Бу - бадий тафаккурнинг ривожланувига асос бўлган муҳим омиллардан бири эди. Бадий тафаккурнинг ёркин кўринишини ғор, қоя, тоғу тошлардаги турли ҳайвон ва ўсимликларнинг расмларида топамиз. Таъкидлаш ўринлики, ўтмишда ўтганлар қолдирган қоя, ғор, харсанглардаги ҳайвон, ўсимликлар ва ов жарёни тасвирида атроф-оламни бадий идрок этиш тафаккури қаерда тугаб, қачондан ёзув пайдо бўла бошлаганини аниқлаш мумкин эмас [Лоукотка 1950,14]. Жамият тараққиётининг ана шу поғонасида уруғ, қабила, жамоа аъзоларининг ўзаро олди-берди, айирбошлаш, иқтисодий муносабатларини қайд этиш эҳтиёжи туғилди. Расмий муносабат билан боғлиқ мазкур жараён, қайд этишнинг келиб чиқишига

замин ярата борган. Қайд этиш (фиксация) эса ёзувнинг вужудга келишига сабаб бўлган дастлабки факторлардандир. Ушбу вазифа (қайд этиш)ни уруғ-жамоа вакиллари ўзаро бевосита алоқа боғлаш йўли билан амалга оширишлари мумкин бўлган, бироқ бу ҳолда инсон хотирасининг заифлиги кўплаб олди-бердиларнинг эсдан чиқиб қолувига сабаб бўлар эди. Бунга вақт асосий тўсиқ бўлиб, ёзилган, қайд этилган сўзгина улардан устун келуви мумкин бўлган. Халқимиз тилидаги “хатга тушдинг - ўтга тушдинг” мақоли айтиши ана шуни назарда тутиб ижод этилган бўлса ажаб эмас. Бу ҳикматли сўз халқимиз дунёқарашида қайд, ёзув, ҳужжат анчайин эски ҳодиса эканлигидан дарак беради.

Шу ўринда, дунёнинг энг қадимги халқлари тарихида умумий тарзда кечган расмий муносабат белгилари шаклланувининг энг оқилом кўринишларини ёдга олсак.

Бошлаб, қайд учун кишилар ўйлаб топган белгилар фикрни масофа ёхуд замонларга узатишни мақсадда тутмас эди, балки уни фақат эслатарди. Бирор нарсани эслаб қолиш учун рўмолнинг учини туғиш одати шундан қолган. Сўнгра буюмларга муайян маъно берилди бошлаган. Улар олдиндан келишиб олинган нарсаларни билдирувчи ўзига хос сигналлар, шартли белгилар бўлиб ҳисобланган. Чўпхатга ёки дароҳ танасига кертиб белги солиш, тугунлар, тизимчалар, уруш эълон қилиш вақтида эса камон ўқи ва бошқа буюмлар шундай шартли белги вазифасини ўтаган. Буюмга маъно бириктириб қўйишнинг бундай усули «буюмли ёзув» деб аталган [Драчук 1980, 11]. Кишилиқ жамияти ривожининг «буюмли ёзув» давридаёқ **расмий услуб белгиларини** аниқ кўриш мумкин. Сон, рақамларни билдириш учун, масалан, тахтачўпларга кертиб шартли белгилар ўйилган. Бу хатчўплардан битимлар тузишда фойдаланилган. Битим тузишда хатчўпни бўйламасига қоқ ўртадан бўлиб, ярми бир томонга, иккинчи ярми иккинчи томонга берилган. Бўлакчалар бирлаштирилганда кертиклари бир-бирига тушган. Бу каби хатчўплар қарз

битимларини тузишда тилхат ўрнида хизмат қилган. Хотирада узок сақланиши керак бўлган воқеалар дастаги учун ҳам хатчўплардан фойдаланилган.

Ўзувларнинг келиб чиқиш тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотларда “ахборот таёқлари ёки ҳассалари” дея юритилувчи тахталар ҳам қадимда ўзига хос буюм-мактуб вазифасини ўтаган. Улар қадимги Европа халқларида, Хитойда, австралиялик ва африкалик қабилалар ўртасида машхур бўлган. Бошқа қабиланинг элчиси олиб келган ҳасса ташриф буюрган шахснинг ваколатини тасдиқловчи ўзига хос ҳужжат бўлган (элчиларга бериладиган “ишонч ёрлиғи” вазифасини бажарган). Ҳассага кертиб белгилар ва хотира нишонлари туширилган. Элчи уларга қараб ўзига қанча топшириқ берилганини эслаган. Кертик-белгиларнинг жойлашиши, эҳтимол, маълум шартли маъноларга эга бўлгандир.

Юқорида таҳлил этилган дунёнинг энг қадимги халқларида мавжуд расмий муносабат белгиларининг такомили билан боғлиқ ўрнаклар туркий халқлар тарихида ҳам кўплаб топилади. Бу каби мисолни юнон сайёҳи ва тарихчиси Ҳеродот ёзиб қолдирган “Тарих” асарининг тўртинчи китобида туркий халқларнинг эски аждодларидан бўлмиш скифлар билан боғлиқ бир воқеада учратамиз. Ўша тарихий воқеани Ҳеродот шундай ҳикоя қилади: Эрон шоҳи Доро I тахтни эгаллаб, ўзига бўйсунмаганларнинг таъзирини бериб бўлгач, дарҳол ўз давлатига қўшни элнинг ерларига кўз тикади.

Доронинг кўп сонли қўшини ҳужум бошлаб скифлар ерига ёпирилади.

Доро скиф ерларининг ичкарасига кириб бориб мушкул аҳволга тушиб қолгач, скифларнинг шоҳи даҳшатли истилочига ғалати совға: қуш, сичқон, қурбақа ва бешта дона камон ўқи юборди. Эронийлар бундай “дипломатик мактуб”нинг маъносини чопардан ҳар қанча сўраб-суришгирсалар ҳам, у бир жавобни

такрорлайверади: унга “совға”ни топширишгина буюрилган, унинг маъносини тушуниш уларнинг ўзларига ҳавола қилинган.

Кейин англашларича, бу ишора скифларнинг кескин талаби ифодаланган мактуб (ультиматум)и бўлиб чикди: “Агар сиз, эронийлар, куш каби учиб ғойиб бўлмасангиз, ё сичқон каби ер тагига кириб кетмасангиз, ё қурбақа сингари ботқоқликқа шўнғимасангиз, у ҳолда мана шу ўқлардан шикаст еб, шу ерларда қолиб кетасиз”.

Кутилмаган ҳодиса рўй берди. Ўша даврда жаҳонда энг йирик давлат ҳисобланган Доро I подшоҳлиги шармандаларча мағлубиятга учради. “Буюм” ультиматум ижодкорлари – скифлар ғалаба қозонди [Келтирилган ушбу ўрнак В. Драчукнинг қайд этилган китобидан олинди: Драчук 1980, 35-36].

Далиллар туркий халқларнинг расмий муносабат белгилари такомили қадимги мисрликлар, шумерлар, хитойликлар, хиндистонликлар, эронликлар сингари жуда эски тарихга илдиз отганлигини далиллайди.

Турмушда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мураккаблашган сари расмий қоғозларга эҳтиёж тобора ортиб борарди. Меҳнат тақсимоти ва мол айирбошлаш аниқ ҳисоб юритишни талаб қиларди.

Бу жараёнларнинг бари расмий муносабатларнинг босқичма - босқич ривожига, тадрижий такомилига замин ярата борган. Демак, расмий тафаккурга ёзувнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллардан бири сифатида баҳо бериш керак.

Расмий муносабат - турли пароканда қабила-уруғларнинг халқ сифатида шаклланув босқичига қадам кўяётганини кўрсатувчи муҳим далилдир.

Дипломатик ҳужжатлар услуби тарихини даврлаштириш масаласи

Муайян бир тил тарихининг турли даврларида тил воситаларининг бошқаси билан алмашинуви (ўрнини эгаллаши), унинг қурилиши ва меъёрида сифат жиҳатдан ўзгаришлар содир бўлгани учун ҳам тилнинг тараққиёт босқичларини даврларга ажратиб ўрганамиз.

Тилдаги бирор-бир ҳодисанинг бошқаси билан ўрин алмашинуви тилнинг ривожланиш жараёни сифатида ундаги мавжуд восита бошқа категория томонидан сиқиб чиқарилади ва у билан алоқасини йўқотиб, янги тил бирлиги, янги категория сифатида намоён бўлади. Бу қонуният тилшунослиқда “табiiй трансформация” (ўзгариш, бир ҳолатдан бошқасига ўтиш) атамаси билан юритилади [Кодухов 1974,187]. Трансформация – тилнинг тарихий ривожланиш жараёни сифатида тилдаги айрим ҳодисаларни ёки бутун тил структурасининг сифат ўзгаришидир. Бунинг ёрқин мисолини қадимги туркий адабий тилдаги сон категориясининг ясалиши билан боғлиқ ҳодисада кузатамиз. Унда икки хонали сонларни яшаш учун бошлаб бирлик айтилиб, кейин ўнлик айтилган. Эътибор беринг: *iki yigirmi* “ўн икки” маъносида қўлланилган. Бунинг билан “йигирмага қараб икки сони қўшилди”, деган маъно англашилади. Қадимги туркий адабий тилда икки хонали сонларни яшашда айни тартиб етакчи бўлган: *yiti yigirmi* – ўн етти, *iki otuz* – йигирма икки. Ҳозирги тилимизда мавжуд тартибга яқин тартиб ҳам бўлган. Фақат унда ўнликдан сўнг *artuqi* сўзи қўшилган: *qirq artuqi tört* – 44 [Соннинг ясалиши тўғрисида қаранг: Содиқов 2006,156–158]. Сон ясалишининг ушбу тури ўтмишда у қадар фаол бўлмаган. Туркий тилнинг кейинги юксалув даври – эски туркий адабий тил деб юритиладиган босқичда соннинг ясалиши сифат жиҳатдан ўзгариб, ҳозирги кўринишига келган. Шунинг учун, тил тарихида рўй берган трансформацияни

Ўрганиш тил тарихидаги муайян хронологик босқични ажратиш ва тил тарихини даврлаштиришда қўл келади.

Муҳими шундаки, битиглар таҳлили тил тарихида кечган трансформация масаласида туркий тиллар нисбатан консерватив табиатга эга бўлганини кўрсатмоқда. Боиси, тилимиз ўз тизимидаги ҳодисаларни мутлақо янги ҳолатга ўзгартиб юбормайди. Туркий тил тарихини кузатсак, тил структурасининг ўзгаришида унчалик йироқлашишни кузатмаймиз. Ундаги ҳодисалар яхлит, бир бутун кўринишда намоён бўлади. Тилдаги ана шу яхлитлик давом этиб келаётганини кузатиш мумкин. Айниқса, бу ҳолат гап қурилишида яққол кўринади. Туркий халқларнинг энг кўҳна ёдгорликлари кўк турк матнларининг гап қурилиши ва гап бўлақларининг жойлашуви ҳозирги тилимизга тенг келади. Бунга бир мисол. Қадимги битигларда: *Üzä kök täñri, asra yağiz yär qilintuqda ikin ara kisi oğli qilinmiş. Kisi oğlinta üzä äcüm apam Bumîn qağan, Istami qağan olurmış*. Бу жумла ҳозирги тилимизга шундай ўгирилади: “Юқорида кўк осмон, пастда кўнғир ер яратилганда иккисининг орасида инсон боласи яратилган. Инсон болалари устидан отабобом Бумин хоқон, Истами хоқон бўлиб ўтирган”. Ёки Кул тигин ва Билга хоқон битигларига киритилган ёрликлар бошланмасида келувчи унвон ва мурожаат қисмларини таҳлил этсак: *Täñri-täg täñri yaratmış türk Bilgä qağan sabim. Sabimîn tükäti äsidgil: ulayu ini yägünüm, oğlanim, biriki, oğuşum, bodunum, biryä şadapit bäglär, yirya tarqat, buyruq bäglär, otuz ... toquz oğuz bägläri, boduni, bu sabimîn ädgüti äsid, qatigdi tiñlä*. – “Кўкдай (улуғвор) Тангри яратган турк Билга хоқон сўзим. Сўзимни тугал эшитгил кетимдаги ини, жияним, ўғлоним, иттифок, уруғим, халқим, ўнгдаги шадапит беклар, чапдаги тархонлар, буйруқ беклар, ўттиз ... тўққиз ўғуз беклари, халқи, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диққат билан тингла” [Содиқов 2004,76–79]. Ҳар икки матннинг қурилиши ва гап бўлақларининг жойлашув тартиби бир хил. Орада бир минг тўрт юз йил ўтмагандек. Асосий фарқ айрим лексик бирликлар ва

морфологик кўрсаткичларнинг ўзгарганида. Бунинг сингари жараёни сўз бирикмаси куршовида ёки кўшма феъллар билан боғлиқ лексик бирикларни ўзлаштиришда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, феъл билан боғлиқ ўзлашмалар доимо туркий тилдаги бирор ёрдамчи феъл кўмагига таяниб иш кўради. Улар ёлғиз ҳолда ўз маъносини ва вазифасини бажара олмайди. Масалан, *назар ташлади* феълени таҳлил этсак, *Назар* сўзи *ташлади* феълисиз бирор ҳаракатни амалга ошира олмайди. У ўз ҳаракатани ифодалаш учун тилдаги бирор ёрдамчи феълни кўмакка чақиради. Бунинг асл ўзбекчаси *қарадидир*. Расмий матнларда келувчи *фармон берди* феъли *бермак* ёки *қилмоқ* ёрдамчи феълнинг кўмаги билангина нутқда *бюрдди* маъносини юзага келтиради. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган далиллар туркий тиллар табиатида ўз-ўзини муҳофаза этиш, ўзлигини сақлаб қолиш қобилияти, ҳимоя иммунитетини яхши шаклланганини кўрсатади. Бошқа кўшни тиллар тарихига назар ташласак, бунинг сингари ҳолатни кўпда кўрмаймиз.

Туркий халқлар тарихида кечган сиёсий, ижтимоий, этник, диний, мафкуравий, маданий жараёнларнинг таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бироқ туркий халқлар ва уларнинг тили ҳамиша ўзлигини сақлаб, бу каби жараёнлардан соғ-омон чиққан. Шу боис, туркий тиллар тарихининг тараққиёт босқичларини даврларга ажратганда ана шу омилларни эътиборда тутган яхши.

Шунга таяниб, кўк турк битиглари тилини барча услубларнинг асоси сифатида қараш тўғри бўлади. Кўк турк матнларининг тили ўша кезде амал қилган туркий тилгагина эмас, тилимизнинг бутун бир тарихига, унинг илдизларига йўл очади.

Туркий дипломатик услубнинг тараққиёт босқичларини умумий туркий расмий услубнинг такомил босқичларидан ажратиб ўрганиш тўғри эмас. Шунинг учун дипломатик услубнинг такомил йўли расмий услуб тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ, унинг

таркибий қисмларидан бири сифатида яхлит ҳодиса ўларок юксалган.

Туркий ҳужжатчилик тарихи, расмий услубнинг юзага келиши ва такомиллашуви бир қанча даврларни ўз ичига олади. Унинг ўрта асрларга қадар бўлган такомил йўлини қуйидаги босқичларга ажратиб ўрганиш мумкин:

I. Энг қадимги даврлар ҳужжатчилиги (мелоддан аввалги III асрдан, мелодий VI асргача).

II. Турк хоқонликлари даври ҳужжатчилиги (мелодий VI–IX асрлар).

Ҳужжатчиликнинг ушбу босқичи ўз ичида икки даврга бўлинади:

1) Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари даври ҳужжатчилиги (VI–VIII асрлар);

2) Уйғур хоқонлиги даври ҳужжатчилиги (VIII–IX асрлар).

III. IX–XIII асрлар ҳужжатчилиги. Туркий ҳужжатчиликнинг бу босқичи ҳам икки даврга бўлинади:

1) Қорахонийлар даври ҳужжатчилиги (X асрнинг иккинчи ярмидан XII аср охиригача);

2) Қўчу ва Гансу давлатларида амал қилган ҳужжатчилик (IX–XIII юзйилликлар).

IV. XIII–XVI асрлар ҳужжатчилиги. Туркий ҳужжатчиликнинг ушбу босқичи қуйидаги даврларга бўлинади:

1) Чигатой улусида амал қилган ҳужжатчилик (XIII–XIV асрлар).

2) Олтин Ўрда ва ундан кейинги хонликлар ҳужжатчилиги (XIV асрнинг биринчи ярмидан XVI юзйилликнинг иккинчи ярмига қадар).

3) Темурийлар даври ҳужжатчилиги (XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI юзйилликка қадар).

4) Усманийлар салтанатининг дастлабки даври ҳужжатчилиги (XV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрга қадар).

Туркий расмий услубнинг юзага келиши ва унинг тарихий такомил йўлини куйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Энг қадимги даврлар хужжатчилиги

Тангрикутлар⁶ салтанати Туман тангрикут бошчилигида эрамиздан бурунги 200 йилларда курилди. Унинг ўғли Мадай тангрикут даврида салтанат чегараси Япон денгизи соҳилларидан Каспий денгизи қирғоқларига қадар узайди. Тангрикутлар ҳарбий жанговорлик қудратидан ташқари, давлат бошқарувида ҳам салоҳиятга эга эдилар. Уларда девон маҳкама ишлари, дипломатик муносабатлар, хужжатчилик яхши йўлга қўйилган.

Туркий тиллар тарихини тадқиқ этган мутахассислар тилимиз тараққиёти ривожининг босқичларидан бирини туркий тиллар шаклланишининг “туркий тилнинг энг қадимги даври” (эрадан бурунги III асрдан, мелодий V асргача) тарзда гуруҳга ажратади. Мазкур босқич тили хусусида гап кетганда, хитой манбаларида етиб келган, тангрикутларнинг бир қатор сўзлари, киши ва унвон номлари (хитой транскрипциясида) қадимги туркий халқларнинг ўша кезлардаги тилига доир аниқ маълумот бермайди, деб мулоҳаза юритилади. Фаранг синологи П. Пельо хитойликлар томонидан тузилган, эрамизнинг I–IV асрларига тегишли

⁶ Қадимги туркий халқларда ўз императорларини “тангрикут” (*tūgrī qut*) унвони билан атаган. Кейинги салтанатларда ҳам ўз ҳоконларини шунинг сингари унвон билан аташ русум бўлган. IX асрда асос солинган идикут давлатида ҳукмдорлар “идикут” (*idi>izi>iyi>egä* “тангри” маъносини ташийди) сифати билан аталган. Иккала ўринда ҳам юрт эгаларининг унвонига қўшилиб келаётган “қут” сўзи “бахт, иқбол” англамидан бошқа бир маъно ташимокда. Бизнингча, “қут” сиёсий-ҳуқуқий атама сифатида “ҳукмдорнинг куч-қудрати, салоҳияти, давлат бошқаруви, сиёсий ҳокимият” маъноларида келмоқда [“Қут” сўзининг сиёсий-ҳуқуқий атама сифатидаги маънолари учун қаранг: Омонов 2010, 3].

луғатларда тангрикутларнинг тилидаги сўзлар изоҳланганини таъкидлайди. Бироқ бу луғатлар шу чоққа қадар чоп этилган эмас. Улар чоп этилса, туркий тиллардаги энг қадимги манба сифатида ўрганиш имконини яратарди. Шу боис, бу босқичдаги туркий тилнинг табиати ҳақидаги масала ҳамон очиқ қолмоқда.

Кунимизга қадар хунлар даврида битилган бирор бир ёзма ҳужжат етиб келган эмас. Бироқ хитой йилномаларида келтирилган хунларнинг хитойларга йўллаган дипломатик мактубларидаги айрим ҳужжатлар оти, формуляр, сўз ва унвон номларига таяниб, энг қадимги туркий давлатларда амал қилган расмий дипломатик услуб асослари тўғрисида айрим мулоҳазаларни билдиришимиз мумкин. Чунончи, *yarliq* (кўк турк хатидаги ёзилиши: **𐰽𐰺𐰍**) сўзи бошлаб, тангрикутларининг канцеляриясида “хоқоннинг хати, буйруғи” англамида ишлатилган. Кейинчалик, бу атаманинг ишлатилиш доираси асрдан-асрга, салтанатдан-салтанатга кенгайиб бориб, ўрта асрларда бу атама орқали ҳукмдорларга тегишли барча расмий матнлар тушунилган.

Шунингдек, хоқонлар ёрлиқлари бошланмаси унвонининг ажралмас компоненти тарзида келувчи *sözüm* ни хунлар “буйрук, фармон” маъносиде ишлатган. Уларнинг ҳужжатларида *sözüm* лексимаси ўрнида *sabim* (**𐰽𐰺**) қўлланилган. А. Бернштамнинг ёзишига қараганда, қадимги хитой йилномаларида мелоддан бурунги юзийликларда хунлардан борган расмий ёзмалар, хоқонлар йўллаган ёрлиқларнинг унвони Кул тигин ва Билга хоқон битигларига киритилган ёрлиқлар бошланмасида келувчи унвон сингари эди [Бернштам 1940,69–70]. Манбалар энг қадимги туркий халқларнинг тили Урхун битиглари тилидан кўпда фарқланмаганини кўрсатмоқда.

Турк хоқонликлари даври ҳужжатчилиги

Бу давр туркий расмий услуб тарихида иккинчи босқич сифатида ўзига хос қирралари ва тараққиёт қиёфасига эга. У ўз доирасига VI – IX юзйилликларни камраган. Мазкур босқич ҳужжатчилигини бир-бирининг узвий давомида турувчи икки босқичга ажратиш мумкин:

1) *Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликлари даври ҳужжатчилиги* (VI–VIII асрлар).

2) *Уйғур хоқонлиги даври ҳужжатчилиги* (VIII–IX асрлар).

Туркий улуснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юксалиш рўй бериб, буюк салтанатлар қурган, маданий ҳаётда улкан ютуқларга эришган турк хоқонликлари даври туркий расмий услуб тарихида алоҳида ўринга эга. Шу ўринда, турк хоқонликлари даври ҳужжатлари услубининг ўзига хос қирралари тўғрисида қисқача изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Кўк турк хоқонлиги 552 йили юзага келди. Унинг қурувчиси Бумин хоқондир. Туркий халқлар *türk* отини ҳам ўша кезларда олган. Турк хоқонликлари даврининг расмий ёзмалари услуби хунлар анъанасини сақлаган. Улар ўртасига чегара қўйиб бўлмайди. Бирок, турк хоқонликлари давридаги расмий услуб хунлар даврининг услубини эски кўринишда такрорламайди ҳам. Бу давр расмий услуби ўзигача ўтган қондошлари яратган услубнинг тараққиёт чўққисига эришган кўринишидир. Унинг ёрқин намуналарини Билга хоқон ва Кул тигин битигтошлари таркибига киритилган ёрликларда ва кўк турк хатида битилган айрим васиқаларда кўриш мумкин. Ушбу даврдан қолган расмий ёзмалар таҳлили бу чоғлар ҳужжатчилигимиз услуб жиҳатдан анчайин юксалганини кўрсатмоқда. Ҳукмдорлар ёрликларининг кириш қисмидан ўрин олган унвон ва мурожаат қисмлари ана шу даврда янада такомил топган, дейишга тўла асос бор. Бу кезлардан қолган расмий ёзмалар устида олиб борган текширишларимиз

битиг компонентларининг тугал, ихчам ҳолда бир тизимга жойлашганлиги, уларнинг услуб жиҳатдан юксалганлигини кўрсатмоқда.

Ушбу босқични кўшни эллар билан дипломатик алоқаларнинг жадал ривожланган даври деб аташ мумкин. Хоқонлик ўз даврининг ўлкан салтанатлари Хитой, Эрон, Византияни боғлаб турувчи чорраҳада, Буюк ипак йўли савдосининг энг муҳим кесишмасида, Шарқ ва Ғарбнинг ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасида ўз миллий манфаатига уйғун келадиган ташқи сиёсатни ишлаб чиққан эди. Боболаримиз ўз элчилари ва ташқи сиёсати орқали ана шу манфаатни доимо ёқлаб чиқишга интиланган [Гумилев 2002, 49-50].

Шунингдек, тархий манбаларда ҳам турк хоқонларидан кўшни элларга йўлланган дипломатик мактублар кўк турк ёзувида бўлганини тасдиқловчи далиллар етарли. Чунончи, византиялик тархчи ва дипломат Менадр 568 йили Истами хоқондан Константинополга қирол Юстин II қошига келган элчиларнинг қабули тўғрисида маълумот бера туриб, улар келтирган мактуб “скиф ёзуви” билан битилганини қайд этган [http://ru.wikipedia.org/wiki/Менадр_Протектор]. Бу кезларда давлат бошқаруви ва қонунчилиги билан боғлиқ матнлар услуби тараққий этганини кўрсатувчи далиллар етарли. Хусусан, бу чоғлар “қонунлар, қонунчилик” маъносида *törü* (ᠲᠦᠷᠦ), “давлатни тутиб турадиган қонунлар” англамида эса *el tutsuqi* (ᠡᠯ ᠲᠦᠰᠦᠭᠢ) атамаси ишлатилган. Кўк турк битигларида бу атама билан боғлиқ қуйидаги жумла эътиборни тортади: **ᠡᠯᠲᠦᠰᠦᠭᠢ ᠲᠦᠷᠦ ᠲᠦᠷᠦ ᠲᠦᠰᠦᠭᠢ** *Türk bodunuğ tärirp äl tutsüqinün bunta urtum* – “Турк халқини тўплаб давлатни бошқариш қонунларини бу ерда ёздим” [Абдурахмонов, Рустамов 1982, 90]. Ушбу далилларга таянилса, туркий халқларнинг қонунчилиги бу кезларда анчайин юксалгани ва улар муайян тартибда тўпланиб, халққа етказиш учун тошбитиглардан фойдаланилганини кўрсатади.

Бундан ташқари, ўша қадим кезларда туркий халқларнинг конун ижодкорлари ишлаб чиқан низом-қоидалар жамиятда етакчи эканини кўрсатувчи ўрнакларни атоқли рус хитойшуноси Н. Бичурин таржима қилган хитой манбаларида ҳам кўриш мумкин. Хитойча манбада Самарқанд тўғрисида мулоҳаза билдирила туриб, “Бу ерда *турк қонуни* ва *турк ёзуви* ҳуқумрон эди (таъкид бизга тегишли – Қ.О.)”, таъкидлайди [Бичурин 1952.281].

Ҳозирги иш қоғозлари ичида мустақил тур сифатида амал қилувчи ҳисоботнинг ҳам илк кўринишларини айна кездан қолган матнларда учратамиз. Хусусан, кўк турк битигларининг услуби ҳисобот шаклини эслатади.

Булардан бошқа, ҳозирги расмий ёзмалар ичида алоҳида тур кўриниш касб этувчи “таржимаи ҳол (автобиография, ўз кечмиши)” ва “характеристика (тавсифнома)” жанрининг илкин намуналари ҳам кўк турк даврида юзага келган, дейишга асос бор. Масалан, Тўнюқук битигида кунимизда ёзиладиган таржимаи ҳолнинг киришида келувчи қолипли бошланманинг гўзал кўринишини кўрамыз: **𐰽𐰺𐰍𐰏 𐰽𐰺𐰍𐰏 𐰽𐰺𐰍𐰏 𐰽𐰺𐰍𐰏 𐰽𐰺𐰍𐰏 𐰽𐰺𐰍𐰏 𐰽𐰺𐰍𐰏 𐰽𐰺𐰍𐰏 𐰽𐰺𐰍𐰏 𐰽𐰺𐰍𐰏** **𐰽𐰺𐰍𐰏 𐰽𐰺𐰍𐰏** *Bilgä Toñuquq-bän. Öziim Tabğaç äliñä qilintim. Türk bodun Tabğaçqa körür ärti.* – “Билга Тўнюқукман. Ўзим Табғач давлатида тарбия топдим. Турк халқи Табғачга қарам эди [Исҳоқов, Содиқов, Омонов 2009, 59, 70].

Уйғур хоқонлиги даври расмий матнлари услуби кўк турк хоқонликлари ҳужжатлари услубини давом эттириш баробарида айрим ўзига хос жиҳатларига эга бўлган. Хусусан, кўк турк хоқонлиги даврида “битилган нарса” маъносини ташиган *bitig* сўзи уйғур хоқонлиги даврига келиб “битилган нарса” маъносидан ташқари “низом” англамида ҳам қўлланилган. Бунинг далилини уйғур хоқонлигининг асосчиси Мўюнчўр битигида учратиш мумкин. Битигда: *bij yilliq tümän kinlik bitigimin belgümin anta yası taşqa yaratıtım* – “минг йиллик туман кунлик битигим (давлат **низоми**)ни, белгимни у ерда ясси тошга ёздирдим” бирикмаси

келган. Бундан кўринадики, *bitig* лексемасиг уйғур хоқонлиги даврида маъно кенгайишига учраган.

Этиборга сазовор ери шундаки, расмий услуб тараққиётининг ушбу чоғларида кўк турк хатида *qutluğ* сўзи ўйиб туширилган тамға ҳам топилган. Шу каби мухрлардан кўк турк хатидаги хукукий матнларни тасдиқлаш учун қўлланилгани шубҳасиз.

Қадимги ажодларимизда расмий матнларни шунга ўхшаш сўзлар ўйиб ёзилган мухрлар билан тасдиқлаш анъана тусига кирганини, кейинги XII - XIII юзйилликларга тегишли туркий уйғур ёзувидаги хужжатларда кузатиш мумкин⁷. Бу давр хужжатларининг катта қисми ана шу сингари *qutluğ* шиорли туркий уйғур ёзувида битилган тамға билан тасдиқланган.

Тахлиллардан бу давр туркий расмий услуб тараққий этган иккинчи босқич экани кўринади.

IX – XIII асрлар хужжатчилиги босқичи

Ушбу давр ўзининг тараққиёти давомида икки босқични камрайди: 1) X асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XII асрнинг сўнгига қадар давом этган *Қорахонийлар даври хужжатчилиги*. 2) Қорахонийлар хужжатчилигига ёндош қадимги – *Кўчу ва Гансу давлатлари хужжатчилиги* амалда бўлган (IX–XIII юзйилликлар).

X асрнинг иккинчи ярмидан ҳокимиятни идора қилиш қорахонийлар сулоласидан бўлган ҳукмдорлар қўлига ўтиши билан маълум бир муддат сўниб қолган ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда яна жонланиш, ривожланиш бошланди. Қорахонийларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш, жамиятдаги турли сиёсий институтларни тиклаш, давлат сиёсий-ижтимоий тузумининг

⁷ Монографиянинг “Дипломатик хужжатларни расмийлаштириш йўллари ва матн легитимлиги масаласи” бўлимида бу ҳақида кенгрок тўхталинади.

усулларини белгилаш, турли ижтимоий табақаларнинг вазифасини тайинлаш, улар ўртасидаги муомала ва муносабат меъёрларини, идора усули низом-қоидаларини кўрсатиб бериш вазифаси қўйилди. Давр ва жамият ўз кўзқарашларини ўзгартиб борди, бу расмий матнларнинг мазмуни ҳамда тузилишига таъсир этмай қолмади. XI асрдан туркий хужжатчиликнинг янги қиёфаси кўзга ташлана борди.

Бу давр қонунчилик, хужжатчилик ва расмий услуб ривожига ҳам янги босқич саналади. Бу кезде ҳокимиятда, мафкурада, маданиятда, маънавиятда, дунёқарашда, дин йўналишида янги ўзан очилди. Ана шуларнинг бари тилда акс этди ҳамда тил тараққиётида янги босқич фанда шартли равишда “Эски туркий тил босқичи” номи билан аталувчи, қорахонийлар даври туркчаси бошланди. Қадимги туркий адабий тил ўз ўрнини эски туркий адабий тилга бўшатиб берди.

Ўзидан бурунги даврлардан тараққий этган матнчилик анъанасини сингдириб олган бу давр (XI–XV) янги-янги хужжат турларини юзага келтирди ҳамда туркий хужжатчилик тизимини тугаллик сари етаклади. Бизга қадар сақланган расмий ёзмаларнинг кагта қисми айни давр маҳсулидир. Расмий иш ёзмаларига хос сўз ва сўз бирикмалари (канцеляризм) расмий тилнинг меъёри сифатида мустаҳкам ўрнашди.

Чунончи, қорахонийлар даврининг васиқларида *bitig* сўзи “хужжат, васиқа, акт” маъноларини ташиган. *Bitig* ни кенг маънода хужжатлар отини яшашда қўллаш қорахонийлар канцеляриясининг маҳсулидир.

Бу даврда хужжатчилик ишининг йўлга қўйилуви давлат бошқарувида қўл келишини Юсуф Хос Ҳожиб қуйидагича таърифлайди:

Eđi keđ keräklig turur bu bitig,

Bitig birlä beglär etär el etig -

Бу хужжат жуда ҳам кераклидир,

Беклар хужжат билан элни идора этадилар [Содиқов 2006, 85].

Қорахонийлар салтанатининг девон-махкама идораларини *bitig'ci* бошқарган. Бу кезларда битигчи жамиятда ўзига хос мавқега эга эканини “Қутадғу билиг” асарида келтирилган далиллар ҳам тасдиқлайди.

Ушбу босқич давлат бошқаруви ва қонунчилиги билан боғлиқ бўлган услуб тараққиётини, айтиш мумкинки, унинг энг юқори чўққисини “Қутадғу билиг” асарида кўрамиз. Асар қорахонийлар даврининг бош қомуси – конституцияси даражасидаги китобдир. Ўрта асрларда давлат қонунларини ўгиту йўсунарлар кўринишида, бадий йўл билан ёритиш анъанасини шарқ адабиётида Юсуф Хос Ҳожиб бошлаб берди. Адибнинг энг катта ютуғи шундаки, у давлат ва жамиятни бошқаришнинг йўл-йўриқларини, давлат тузукларини бадий кўринишда ёритиб беришни ўйлаб топди. Унинг бу ихтироси шарқ халқлари адабиётида кенг тус олди. Буни салжуқийлар вазири Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” (1077) ҳамда амир Кайковуснинг ўғли Гилоншоҳ учун ёзган “Қобуснома” (1082) асарлари мисолида кузатамиз. Таъкидлаш ўринлики, “Қутадғу билиг” туркий тилда яратилган буюк даражадаги мафкуравий асардир. У туркий халқлар дунёқариши ва давлат бошқарувининг азалий анъаналари билан ислом мафкураси уйғунлашган асар сифатида юзага келди.

Қадимги уйғур – Қўчу ва Гансу давлатлари хужжатчилиги ҳам ўзига хос бўлиб, IX–XIII асрларни ўз ичига олади. Бу кезларда яшаган қавмдошларимиз ўзаро барча ҳуқуқий муносабатларни хужжатлаштиришга алоҳида урғу беришган. Бу уларнинг ҳуқуқий онги анчайин юксак эканини далиллайди. Шунинг учун бу кезде фуқароларнинг хусусий-ҳуқуқий муносабатлари қайд этилган расмий матнларнинг тури ниҳоятда кўп. Бугунги кунда кичик кўринган айрим муносабатлар ҳам хужжатлаштириб кўйилган.

ХIII – XVI асрлар ҳужжатчилиги

Бу давр ҳужжатчилиги тарихий тараққиёти давомида тўрт босқични ўзида камрайди. Булар:

1) *Чигатой улусида амал қилган ҳужжатчилик* (ХIII–ХIV асрлар).

2) *Олтин Ўрда ва ундан кейинги хонликлар ҳужжатчилиги* (ХIV асрнинг биринчи ярмидан XVI юзйилликнинг иккинчи ярмига қадар).

3) *Темурийлар даври ҳужжатчилиги* (ХIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI юзйилликка қадар).

4) *Усмонийлар салтанатининг дастлабки даври ҳужжатчилиги* (ХV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрга қадар).

Чингизий ҳукмдорларнинг Ўрта Осиёдаги давлатчилиги тарихнависликда Чигатой улуси номи билан юритилади. Бу давр ҳужжатчилигининг хос хусусиятларидан бири улар туркий тил ва туркий расмий услубни девон-махқама амалиётига кенг ёйганида кўринади.

Чигатой хонлари даврида давлатнинг бош қонунлар мажмуаси сифатида *yasa* атамаси муомалага киритилди. Шунингдек, бу кезларда ёрликнинг қўлланиш теграси кенгайди. Элчи ва чопарларнинг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган *bayza = rayza* деб аталувчи янги ҳужжат тури ишлаб чиқилди. Ҳукмдорлар девонида алоҳида фуқароларнинг шикоятлари билан ишловчи *yazğıcı* лавозими жорий қилинган. Бу тўғрида араб сайёҳи Ибн Баттута ўз ёзмаларида ёзиб қолдирган. У Хоразм амири девонхонасининг ишлаш механизмини қуйидагича таърифлайди: “Бу амирнинг одаги шундай эканки, қози ҳар куни унинг қабулхонасига келиб махсус жойга ўтирар, у билан бирга фақиҳлар, хаттотлар келишар экан. Қозининг тўғрисида бош амирлардан бири ва саккиз нафар катта турк амирлари ва “ёзғувчи” деб аталадиган шайхлар жойлашади. Одамлар шу мансабдорларга

ўз шикоятларини айтишади. Агар иш шариатга оид бўлса – қози, бошқа ишларга оидларини эса мана шу амирлар ҳал қилиб беради. Қози билан амирларнинг қарорлари аниқ ва адолатли бўлади. Чунки уларни маълум бир томоннинг тарафини олишда айиблашолмайди, булар пора ҳам олмайди” [Иброҳимов 1993, 60]. Матндаги “ёзгувчи” асл арабча матнда айни шаклда келган. Бу унинг мансаб оти сифатида келаётганини кўрсатади. “Бошқа ишларга оидлари” деганда фуқаролар ўртасидаги нотариал ишлар назарда тутилмоқда. Яъни олди-сотди, ижара, мерос масалалари ва бошқалар.


Олтин Ўрда ва ундан кейинги салтанатлар – Қрим, Қозон хонликларида иш юритиш амалиёти Қорахонийлар ҳамда Чигатой хонликлари расмий услубини давом эттиргани билан туркий расмий услуб тарихида ажралиб туради.

Темурийлар даврига тегишли расмий матнлар устида олиб борилаётган лингвистик тадқиқотлар темурийлар даври ҳужжатчилигини расмий услуб тараққиётидаги алоҳида босқич сифатида ўрганиш кераклигини кўрсатмоқда [Омонов]. Ушбу давр иш юритиш амалиётида расмий матн тузиш анъанаси тугал бир ҳолда шаклланган ҳамда темурийлар кўл остидаги барча ўлкаларда ҳужжат битишнинг ягона андозаси амал қилган.


Ушбу давр иш юритиш амалиётида қўлланган айрим ҳужжат турлари ва уларни англатувчи номлар қадимги қўлланув қуршовидан бошқа маънода ишлатилгани ойдинлашмоқда. Ушбу мулоҳазалар далилини биргина *nišān* ва *tüzük* атамаларининг таҳлили мисолида ҳам кўриш мумкин.

Темурийлар замонида келиб девон-махкама идораларида *yarliq* атамаси билан ёнма-ён унга тенг келувчи ҳужжатнинг ҳуқуқий номи сифатида қадимги расмий ёзмалар услубида “белги, муҳр” маъносида ишлатилган *nišān* бирлиги истеъмолга киритилди. Буни темурийлар давридан қолган ҳужжатлар тасдиқлайди. Хусусан,

Умаршайх Мирзо Мирзонинг 1469 йилдаги васиқасида у қуйидаги жумлада келган:




yilda yangi nişān tilāmāyīn bu nişān bilā yil sayu heç türlüg salīq salmayīn daftarlarğa surusun. – “Ҳар йили янги нишон (ёрлик, хужжат) сўрамасдан, ушбу нишон (хужжат) билан йил бўйи ҳеч қандай солиқ солмай, (крим-чиким) дафтарларга қайд этилсин” [Омонов 2003, 137–139]. Ёки 1422 йили Ҳиротда битилган Шохрух



Мирзо девонхонасига тегишли хужжатда ҳам буни кўриш мумкин: *pak nişān bermiř erdik* – “ҳақиқий хужжат берган эдик”. Шунингдек,

хужжатлар терсида хужжатни унинг эгаси олгани битиб кўйилган қадларда ҳам “нишон” хужжат номини аглашиб келади: *nişānni Īsmāyil aldi.* -хужжатни Исмоил олди.



Эндиги ўй-қарашларимиз *tüzük* атамаси билан боғлиқ.

Хужжатчилик амалиётида давлатнинг бош қомуси англамида *tüzük* атамасининг қўлланилув даври ҳам темурийлар даврига бориб тақалади. Бунинг исботини буюк саркарда ва юрт эгасининг тузукларидаги маълумотлардан, ўша замон тарихчиларининг Темур ва темурийлар фаолиятига бағишланган асарларидан топамиз.

“Темур тузуклари” асарида *tüzük* атамасининг моҳиятини белгиловчи шундай сўзлар бор: “Салтанатни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида адо этдим”

[ТТ 1996,72–73]. Султон Темурбек қурган давлатнинг бошқарув тизимини ўрганишда бош манба ўрнида турувчи асарда келтирилган ушбу қайдлар юрт эгасининг ўз тилидан айтилмоқда. Асарни ўқишда давом этамиз: “Дину шариат ишлари тузуқини тартибга келтирганимдан кейин, салтанатим корхонасининг тузуқини тузишга киришдим” [ТТ 1996,80]. Асардан олинган ушбу узунди мазмунидан ҳам Темурбек салтанат бошқарувида “тўра” ва “тузук”ка асослангани ойдинлашмоқда.

Ҳокимиятни идора қилиш Темур ва темурийлар сулоласидан бўлган ҳукмдорлар қўлига ўтиши муносабати билан маълум бир даврларда сўниб қолган маданий ва ижтимоий ҳаётда яна жонланиш, ривожланиш бошланди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш, қўлга киритган ютуқларини сақлаб қолиш, келажак тараққиёт учун йўл-йўриқлар кўрсатиш, давлат сиёсий-ижтимоий тузумининг усулларини белгилаш, турли ижтимоий табақаларнинг вазифасини тайинлаш, давлат бошқарувининг низом-қоидаларини кўрсатиб бериш кун тартибидаги масалага айланди.

Айни масалани ҳал этиш учун Соҳибқирон Темурбек эски туркий бошқарув анъаналарига содиқ қолган ҳолда, давлатни идора қилиш усулини, сиёсатини, қонун-қоидаларни, расму одатларини, ахлоқ меъёрларини ўзида мужассамлаштирган низомнома, қомус сифатида “Темур тузуқлари” асарини яратди. Асар олдида қўйилган талаб жуда муҳим эди. Унда юзага келган янгиликлар, уларни мустаҳкамлаш, идора қилиш усуллари, оддий фуқаро (“эл киши” – Соҳибқирон Темурбек таъбири)дан тортиб олиймансаб беглар ва амирлар феъл-атвори қандай бўлиши лозимлиги, давлат қурилиши, иқтисод ва хўжалик, маърифат ва ободончилик, давлатини мустаҳкамлаш, умуман сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, моддий-маданий, ахлоқий-тарбиявий сингари масалаларга ўша давр талаби нуқтаи назаридан йўл-йўриқлар кўрсатиш, жавоб бериш керак эди

Султон Темурбек янги давр, янги босқичнинг қонуншуноси ва мафкурачиси сифатида мана шу масалаларга жавоб берди. Бу давр қонунчилик ва давлат бошқаруви тизимида ҳам янги босқич саналади. Бу кезде ҳокимиятда, мафкурада, маданиятда, маънавиятда, дунёқарашда янги ўзан очилди. Ана шуларнинг бари тузукларда акс этди ҳамда қонунчилик тараққиётида ўтмиш туркий давлатлар қонунчилигидан улгу олган, тузукларга асосланган бошқарув тизимининг янги, ўзига хос даври бошланди. Ясага асосланган эски қонунчилик ўз ўрнини тузукларга бўшатиб берди.

Чингизий сулолалар давлат қонунларини ангалатган *yasa* темурийлар давлатида ҳам қўлланган. Бироқ бу даврга келиб унинг қўлланив теграси торайган. Темурийлар замонида у “жиноят кодекси” ангиламида ишлатилган. Бунинг далилини ҳам тузукларнинг ўзидан топамиз: “Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, яса бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсин” [ТТ 1996, 94]. Ёки “Амр этдимки, “ўғри ва қароқчиларни” “яса” асосида жазоласинлар” [ТТ 1996, 119]. Мисоллар таҳлилидан “яса” у кезларда жинойи жазолар кодекси вазифасини бажарганини кўрсатмоқда.

Асосийси, темурийлар даврида юзага чиққан расмий услуб қадимги кўк турк ёзувли битиглар, шунингдек, кейинги хоқонлик ва давлатлар замонида амалда бўлган туркий расмий услубнинг давомида туради; шакл ва тузилиши, ифода усуллари билан уларни тўлдиради, мукамаллик поғонасига кўтаради.

Усмонийлар ўз салтанатида ҳам давлат бошқарувининг дастлабки йилларидан то XVI асрга қадар темурийлар ва бошқа туркий давлатларда амалда бўлган ҳужжатчилик анъаналарини қабул этган. Салтанат ҳукмронлигининг дастлабки йилларида яратилган ҳужжатларнинг тили ва услуби эски ўзбек адабий тили ҳужжатчилиги анъанасига таянган эди.

Умуман, туркий расмий услуб энг қадимги кезлардан XVI асрдаги кўринишига етгунга қадар бир қанча лингвистик такомил босқичларини ўтган. Ушбу такомил босқичлар бир – бирини узвий давомида туриши билан бирга ўзига хос хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради.

ДИПЛОМАТИК ХУЖЖАТЛАР ЛЕКСИКАСИ, СТЕРЕОТИП БИРИКМАЛАР ВА ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

Хужжатлар матнида лексик birlikларнинг танланиши

Тил тизимида сўзнинг аҳамияти, унинг услубшунослигидаги етакчи ўрнини кўрсатади; сўз услубнинг асосий бирлигидир. Сўз стилистикаси тилдаги лексик воситаларни ўрганиш баробарида, муайян нутқ вазиятида ишлатилаётган сўзнинг ўрнига баҳо беради. Шунингдек, у турли услубларда сўз ишлатишнинг меъёрларини ишлаб чиқади.

Сўз стилистикаси замонавий семасиология қўлга киритган ютуқларни қўллаган ҳолда тилдаги мавжуд сўзларни турли-туман системали боғланувини ўрганади. Бундай ёндашув, биринчи навбатда, расмий матнлар учун маълумотни аниқ бериш воситаси бўлиб хизмат қилувчи, атамалар ва кўпмаъноли сўзларни ўрганишни тақозо этади. Сўз стилистикасининг марказида сўзларнинг қўлланувида услуб жиҳатдан фарқланиши, турли мулоқот ўринларида керакли лексик воситаларнинг ишлатилиш қонун-қоидаларини таҳлил этиш туради.

Сўз текширишнинг услубий жиҳати матндаги лексик birlikнинг асосли қўлланилаётгани нуқтаи назаридан мулоҳаза билдиришни талаб этади.

Сўзнинг стилистикада фақат номинатив (аташ, номлаш) қирраси эмас, балки эстетик вазифаси ҳам ҳисобга олинади.

Лексик стилистика нутқ маданияти билан чамбарчас боғлиқ ва уни тартибга солиб туради. Чунки, маълум бир доирада тилдаги лексик воситаларнинг ишлатилишини кўрсатиш асносида, сўз услубшунослиги тўғри сўз қўллашни назорат этиб туради. Шу боис, муайян матндаги сўз танланишининг таҳлили ўша матн битилган давр жамиятининг нутқ маданияти ва адабий

меъёрларини белгилашда асосий ўлчов бўлиб хизмат қилади. Илк ва ўрта асрлардан бизга қадар етиб келган расмий матнларнинг лексик ўзгачалиги, ҳужжатлар битилган кезде яшаган аждодларимизнинг иш юритувчилик соҳасидаги нутқ маданияти ва расмий нутқ доирасида қўлланилган адабий меъёрларни кўрсатувчи ишончли далиллардир.

Сўз – матнни англаш асосидир. Расмий матн услуби устида тадқиқот олиб бориш, биринчи галда, унинг лексикаси устида текшириш олиб боришдир. Аёнки, матнни англаш сўз маъносини билишдан бошланади.

Сўзга услуб жиҳатдан ёндашув фикрни аниқ ифодалашга кўмак берувчи сўзни танлаш муаммосини келтириб чиқаради. Муаллиф томонидан сўзнинг тўғри танлангани услуб фазилатигина бўлиб қолмай, матннинг ахборот ташиш қимматини оширади ва унинг мазмун таъсирини кучайтиради. Сўзни ўринсиз танлаш эса фикрни англашда қийинчилик келтириб чиқариш баробарида, мантиқий хатоликларни келтириб чиқаради. Бу масалада ўтмишда тўғри йўл тугилган. Расмий матнларда сўз илк англамида ишлатилган. Агар матндаги сўзни бошқасига ўзгартиришга ҳаракат қилсангиз бутун матн ўзгариб кетгудек таассурот қолдиради. Матнни ўқиш жараёнида тилда улар ишлатган лексик бирлик ўрнида қўланилувчи бошқа сўз йўқдек ҳис этасиз.

Расмий матнда сўз танлашга катта аҳамият берилган. Давлат институтларига тегишли иш ёзмаларининг мазмуни ва сўз танланишига девонда шу соҳа билан шуғулланувчи мансабдорлар *ilimğa, yazğuçi* ва *bitigçi* масбул ҳисобланган. Давлат ҳужжатлари уларнинг қўлидан чиққан. Уларнинг машаққатли меҳнатини кўрсатувчи айрим далиллар ҳам бор. Бу айрим ҳужжатларнинг қоралама вариантларидир. Қоралама матнларни кўздан кечирган киши ҳужжат тузувчилар матн битиш жараёнида ҳар бир сўзни ўрнида, керакли қуршовда ишлатилишига эътибор қилганига шохид бўлади.

~~Handwritten text, mostly illegible due to blurring and crossing out.~~

Хужжат тузиш ишини ўрганаётган ўқувчининг қораламаси. Қўлёзма Берлин фондида U 5534 кўрсаткич остида сақланмоқда

Шунингдек, бизга қадар етиб келган ўрта аср кишиларига тегишли васиқаларнинг айримлари хужжат тузиш ишини ўрганаётган ўқувчиларнинг қораламаларидир. Улар диққат билан кўздан кечирилса, хужжат матнида кўп қайтарилувчи бўлимлар, канцеляризм, қолипли бирликлар, формулярлар машқ қилингани, айрим сўз ва бирликлар ўчириб ташланганини кўриш мумкин. Чунончи U 5534 рақам остида сақланаётган ёзмада васиқаларнинг бошланмасидан ўрин олувчи киши отлари ёзилиши керак бўлган қатор ўчириб ташланган.

Кишилар ўртасидаги олди-берди муносабатларни қайд этиш мақсадида тузилган хужжатларнинг мазмуни ва ундаги сўз танлаш меъёрига хужжат битган киши ҳамда ҳуқуқий муносабатни амалга ошираётган томонлар, унга гувоҳ сифатида қатнашган шахслар масъул бўлган. Одатда, хужжатда амалга оширилаётган олди-берди муносабатига ҳуқуқий тус бериш учун икки киши гувоҳ сифатида қатнашган. Бирок, алоҳида ҳолатларда тўрт кишигача ҳолис сифатида иштирок этиши мумкин бўлган [Zieme 1981, 59]. Шу боис, хужжат тугалланмасида уни битган кишининг оти, гувоҳлар

номи, ёзма расмий томонлардан кимнинг сўзи билан ёзилгани ва неча қайта томонларга ўқиб берилгани қайд этилган банд доим мавжуд бўлади. Шу ўринда ер олди-сотдисига бағишланган U 5239 кўрсаткичли васиқанинг тугалланмасини эътибор қаратсак:


Bu nişan men Töläk Temürniñ ol.

Bu nişan men Buyan Temürniñ ol.

Bu nişan men tanuq Käräyniñ ol.

Bu nişan men tanuq Temür Buqaniñ ol.

Bu bitigni men Buyan Tämür öz iligin bitiyü tegintim.



U 5239 рақамли васиқанинг тугалланмаси

Бу белги мен Тўлак Темурнингдир.

Бу белги мен Буян Темурнингдир.

Бу белги мен, гувоҳ Карайнингдир.

Бу белги мен, гувоҳ Темур Буқанингдир.

Бу ҳужжатни мен Буян Темур ўз қўлим билан ёздим.

Бу сингари тугалланма барча васиқаларнинг ажралмас компоненти сифатида доимо мавжуд бўлган.

Ҳатто айрим фуқароларга тегишли ҳужжатларда айрим сўзлар ўчирилиб ўрнига бошқаси ёзилган, таҳрир қилинган, тuzатилган расмий матнлар ҳам учраб туради. Масалан, U 5260 рақамли ҳужжат қарзга шароб олингани тўғрисидадир. Ана шу ёзманинг

учинчи қаторида қарзга олинган шаробнинг миқдори *yarim bor* ҳажмида кўрсатилган бирикма мавжуд. Ана шу миқдор ёзилган бирикманинг устида яна ҳам аниқ бўлишини таъминлаш мақсадида *qar* ҳисоб сўзи киритилган ва *yarim qar bor* кўринишига келтирилиб таҳрир этилган:

yarim bor жумласи *qar* ҳисоб сўзи киритилиб аниқлаштирилган ва *yarim qar bor* кўринишига келтирилган
U 5260 рақамли васиқа

Ана шу тузатишдан сўнг шаробнинг миқдори аниқлашиб, *Turin Baqšidin yarim qar bor* кўринишига келган.

Ёки U 3907 рақамли васиқада жумла таҳрир қилингандан сўнг унинг устига тамға босилган:

U 3907 кўрсаткичли васиқанинг жумла таҳриридан сўнг тамға босиб тасдиқланган қисми

Буни ҳужжат битилаётган вақтнинг ўзида тузатиш киритилганига ишора сифатида қабул қилиш мумкин.

Бизнингча, бунингдек ҳужжатларнинг борлиги матн яқунлангандан сўнг томонларга ўкиб бериш жараёнида, айрим сўз ва жумлалар томонларнинг эътирозига сабаб бўлганини кўрсатади. Ана шу сўз ва бирикмалар ўчирилиб бошқаси билан алмаштирилган бўлуви мумкин. Шундан сўнг ҳужжатга қўл қўйилиб тасдиқланган ва олди-берди муносабатига ҳуқуқий тус берилган. Фуқароларга тегишли ҳужжатлар билан боғлиқ ушбу

далиллар аждодларимиз расмий ёзмалари тахрири билан ўзлари шуғулланганини, ўша кезларда расмий матнларнинг меъёрлари яхши шакллангани, расмий ёзмалар услуби жамиятга ўрнашгани, ўша кезде кишилар орасида ўқиш ва ёзиш саводидан ташқари, хужжат тузиш лаёқати, яъни ҳуқуқий саводхонлик ҳам йўлга қўйилганини кўрсатмоқда. Буларнинг бари ўша кезларда хужжат битиш қонун-қоидаларини ўзлаштиришга мўлжалланган муайян мактаблар фаолият олиб борган бўлиши мумкин, деган тўхтамга олиб келади.

Шу ўринда шарқшунос Ле Кокнинг фикрини келтириш ўринлидир. У ёзади: “Во многих документах ясно указано, что один из участников составил документ сам. Мы ни где не читаем, что какой-либо правове́д контролировал их составление; следовательно, знание употребительных в каждом случае юридических формул было общедоступно. В сравнении с Европой примерно той же эпохи – мы говорим о времени до и после Крестовых походов – эти тюрки, таким образом обнаруживают здесь известное превосходство: многие ли из благородных феодалов Европы были в состоянии в то время по всем правилам составить подобные договоры?” [Тугушева 2001, 139].

Хужжатлар услубининг кўп маъноли сўзларга муносабати. Кўп маънолилиқ ҳодисаси хужжатлар услубининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Полисемантик сўзлар барча маъноси билан расмий услубда келавермайди, балки бир маъноси билан хужжат тилига киради. Масалан Тўхтамиш ёрлиғидаги қуйидаги жумлага эътибор қаратсак: *ol yaman kişilär burun täbirgändin* [ТҒ, 12]. Мазкур мисолдаги *täbirämäk* феъли кўп маъноли сўз бўлиб, у бир маъноси билангина хужжат услубидан ўрин эгаллаган. Масалан, Л. Будагов луғатида бу сўзнинг уч англами келтирилади: 1) тронуться, двинуться; 2) дрожать; трястись; 3) походь [Будагов 1869, 340]. Лекин ушбу маъноларни ва шу англамлардаги *täbirämäk* феълининг хужжатлар услубига алоқаси йўқ. Фактлар таҳлили *täbirämäk* сўзи

Л.Будагов луғатида келтирилган маънолардан ташқари, яна бир “чекинмоқ” деган семаси борлигини кўрсатмоқда. “Бобурнома”да ҳам *täbärädi* феълени “чекинди” маъносида қўлланилган ўринларни учратамиз [БН,81]. Худди шу маъноси билан *täbirämäk* сўзи ҳужжат лексикасига кирган. Ёки *söz* калимасининг барча мавжуд илмий луғатларда фақат бир “сўз” (слово) маъноси келтирилади [Будагов 1869, 645; Радлов 1911,IV, 586; ДТС 1969, 511]. Лекин мазкур маънони ва шу семадаги *söz* лафзининг ҳужжатлар услубига алоқаси йўқ. Илк ва ўрта асрларга тегишли туркий ва форсий расмий матнларни кўздан кечирганда *söz* калимаси юқоридаги луғатларда қайд этилган маъносидан ташқари, ҳужжатлар унвони учун алоҳида “бўйруқ”, “фармон” каби махсус маъно касб этгани аён бўлади. Бу тўғрида кейинги бўлимларда алоҳида тўхталамиз. Бундан бошқа кўпмаънолилиқ касб этувчи *el* (халқ, уруғ, қўшин), *ođlan* (саркарда, шаҳзода), *nišan* (ҳужжат номи, муҳр), *taḡa* (муҳр, солиқ тури) каби сўзлар расмий матнларда кўплаб учрайди.

Кундалиқ сўзлашувда ишлатиладиган айрим лексик бирлик ва бирикмалар расмий матнга ўтганда атамалиқ хусусиятини ҳам бажаради. Мулоқотда ишлатиб келинган сўзнинг тармоқ ичидаги янги умри бошланади. Атама муайян тармоққа йўналтирилган, айни тармоқ тушунчаларини англатадиган ва шу соҳа объектларини ўзлаштиришга ёрдам берувчи сўз ёки сўз бирикмасидир. Атама аниқликни талаб қилади. Шу боис, сўзлашувда кўп маънолик ташиган айрим сўзлар расмий матн доирасида, асосан, бир маъноси билан иштирок этади. Муҳими, ота-боболаримиздан қолган қадим ҳужжатлардаги ҳуқуқий атамалар тўлиқ шаклланиб ва тугал кўринишни қабул қилгани билан характерланади. Шу боис, барча расмий ёзмаларда ҳуқуқий тушунчаларни англатиш учун айнан бир хил атамлар қўлланилади.

Қуйида келтирилган жадвалдаги мисоллар ва уларнинг маъноларини чоғиштиринг:

Сўз	Маъноси	Атама сифатидаги маъноси
Al	хийла	товламачилик
And	онт, қасамёд	битим, шартнома
Arig	тоза, покиза	ишончли
Arıtmaq	бирор нарсани кетгазишлик, аритмоқ, фориғ бўлишлик	тугатишлик, таркатишлик (савдо билан боғлиқ бирор уюшмани)
Arqış	карвон	элчилик
Bitig	китоб, ёзилган нарса	хужжат, васиқа
Budun	халқ	аҳоли
Yazuq	гуноҳ	жиноят
Esän	соғ	мустаҳкам
Ev-barq	бойлик	молу мулк
Äd-tavar	бойлик	молу мулк
El	давлат	бирлашма уюшма
Çam	даъво	суд
Keңgäs	маслахат	ийгин
Köni	тўғри	тугал, тўлиқ
Näñ	нарса	мулк
Söz	сўз	буйрук, хабар
Qut	толеъ, бахт	сиёсий ҳокимият
Qor	шикаст	зиён
Öz	ўзи, қалб,	моҳият
Tarig	деҳқончилик	экин майдони
Tilämäk	тиламоқ, сўрамоқ	арз этмоқ
Tiyiq	тийилиш	таъқиқ
Törü	қоида	қонун, ҳуқуқ тизими
Tüzülmäk	текислашлик	дипломатик муносабатини ўрнатиш

Tusu	фойда, тушум	фоизи билан қайтариш
Taruğ	ибодат	хизмат
Yasa	қонун	қонунлар мажмуаси

Сўз таркиби ва лексик бирликларнинг танланиши жиҳатидан илк ва ўрта юзйилликлардан қолган расмий ёзмалар услуби ўзига хосдир. Бу ўзгачалик ҳужжатлар матнида умумтуркий луғат қатламидаги мавжуд бирликларнинг бари ҳам қўлланавермаслигида, балки расмий ёзмалар услубига тегишли лексик бирликлардангина фойдаланишда кўринади. Шу билан бирга, расмий матнлар услубида даврдош ёдгорликлардаги ёзма обидаларда ва оғзаки нутққа хос бирликлар учрамайди. Қолаверса, ёзма услубнинг бошқа турларига хос образли ифодалаш учун хизмат қилувчи ва инсон руҳий кечинмалари, туйғуларини тасвирловчи воситалар расмий матнларда ишлатилмайди.

Ҳужжатлар услубининг сўз танлашдаги ўзгачаликларини очиш мақсадида Берлин фондида сақланаётган ҳукумат маъмурларининг элчига берган кичик бир рухсат қоғозига кўз ташласак:

Ud yıl çaqşapat ay iki otuzqa Buyan Temür elçiniñ nökörläriñä kezig aşqa birgü bir siğ et, biş tembin borni Turpan sanınqa tutup, Taqış Qaya birsün. – Сигир йили ўн иккинчи ойнинг йигирма иккисиде Буян Темур элчининг навкарларига доимий (сиредаги) овқатга бериладиган бир сиғ гўшт ва беш тембин шаробни Турфон (маъмурияти) ҳисобига қайд этиб, Тақиш Қоя берсин [Арат 1987, 565].

Биринчи галда, матн сўз танланиши, луғат таркибининг ўзига хослиги ва услубий ўзгачалиги билан ажралиб турибди. Матннинг аниқлиги ва тушуниш учун соддалигидан унинг ўзига хослиги кўринади. Элчига берилган рухсат қоғози кичик бир матн бўлишига қарамай, ундан элчи ва унинг навкарларига бериладиган егуликнинг миқдори, уни бериши керак бўлган шахс ҳамда қайси бошқарув маъмурияти ҳисобидан ажратилиши аниқ белгиланган. Шу боис, ушбу васиқани бошқа бир йўсинда талқин қилиб

бўлмайди. Қолаверса, ҳужжат тили ва услубида даврдош ёзма обидалар тилида кўплаб учровчи ўзлашган лексик қатлам ҳам кўринмайди. Расмий матнлар услубида ўша давр умумтуркий лексик бирликларнинг ҳаммаси ҳам қўлланавермаслигига сабаб, биринчи навбатда, ҳужжатлар услубига хос расмий адабий тилнинг талаби бўлмиш “расмийлик” билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам даврдош ёдгорликлардаги образлилик, кўтаринкилик, дабдабалилик каби белгилар расмий битиглар табиатига тўғри келмайди.

Расмий матнлар лексик қатламнинг асосини туркий тилнинг ички имкониятлари асосида ҳосил қилинган сўз ва атамалар ташкил этади. Мазкур давр эски ўзбек тили лексикасидаги маълум микдордаги сўзлар расмий услубга, яъни ҳужжатлар тилигагина хос. Булар сирасига ёлғиз расмий ёзмалар услубида учровчи *tarbip*, *tartanaq* ва бошқа ижтимоий-сиёсий соҳага оид сўзларни киритиш мумкин [тартанақ тўғрисида қаранг: Вашари 1987,97–101].

Ҳужжатлар услубида лексик бирликларнинг танланиши тўғрисида сўз кетганда, икки ҳодисани айтиб ўтиш керак бўлади: 1) расмий матнларда қўлланиладиган ва 2) расмий матнларда учрамайдиган сўзлар. Илк ва ўрта асрлар умумтуркий лексикадаги бир гуруҳ сўзлар ҳужжатлар услубида қўлланила олади. Айримлари эса ишлатилмайди.

Расмий матнларда қолипга тушган (стереотип) бирикмалар ва уларнинг матн расмийлигини таъминлашдаги ўрни

Расмий услубнинг муҳим ўлчовлари унда қўлланувчи қолипга тушган лисоний бирликларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бу қолипга тушган бирикмалар лингвистикада *стереотип бирикма*, *қолип* (*клише*, *трафарет*) ёки *формуляр* атамалари билан юритилади. Формуляр расмий услуб бирлигидир. Қолипга тушган

бирикмалар юридик кучга эга бўлган расмий матннинг *аниқлигини* таъминлайди. Айнан шунинг учун расмий қоғозларда қолиплаган лисоний шакллар ишлатилади. Туркий хужжатчилик тарихида стереотип бирликларнинг ишлатиши кенг расм бўлган. Расмий қоғозларнинг муайян турлари ва уларнинг бўлимлари алоҳида ўзигагина тегишли формулярларини юзага келтирган. Хужжат битувчилар ана шу бирликлардан унумли фойдаланган. Расмий матнларда қўлланилувчи формулярларга қараб хужжатларнинг муайян турларга ажратиш ва унинг жанрини аниқлаш имкони юзага келади.


Куйида туркий хужжатчилик тарихида кенг қўлланган ана шундай қолип бирликлардан айримларини таҳлил этишга уриниб кўрамиз.

Хужжатлардаги ҳуқуқий муносабатлар англамида келувчи формулярлар. Давлат хужжатлари ичида тархонлик ёки суурғол ҳуқуқи билан боғлиқ ёзмаларда ёрлиқ олаётган шахснинг мамлакатда мавжуд солиқ ва тўловлардан тўлалигича ёки қисман озод этилгани баён қилинади. Ушбу баён ҳуқуқий муносабат англамидаги тайёр қолип-бирикмалар кўмагида ифодаланади. Бундай формулярлардан бири *küç uğa tegürmäsün* (унга куч ишлатилмасин) канцеляризмидир. Бу бирлик барча имтиёз ҳуқуқини берувчи хужжатларда келди. Олтин Ўрда хукмдорларининг девонхонасида битилган Темур Қутлуғ ёрлиғини нашрга тайёрлаган В.Радлов бу бирикма таркибидаги *uğa* олмоши тўғрисида сўз юритиб, уни шева таъсирида юзага келган, деб шарҳлайди: “оға очень интересная форма, не употребляющаяся не в уйгурской, не в джагатайской письменности, не в западных наречиях. Это форма ногойская, и по моему мнению указывает на происхождение лица, писавшего ярлык [Радлов 1888,33]. Бироқ, шу турдаги бошқа хужжатларни ўрганиш, тадқиқотчининг мулоҳазалари у қадар асосли эмаслигини кўрсатмоқда. Чунки темурийларнинг Ҳирот ва Андижон сингари пойтахт

шаҳарларидаги девонхоналарда битилган Шохруҳ ҳамда Умаршайх номидан берилган битигларида ҳам шу бирикма, айти кўринишда (*küç uğa tegürmäsün*) ва ёрликнинг ўша бўлимида келади. Бу эса унинг туркий ҳужжатчиликда кенг ёйилган қолип-бирикмалардан бири эканини кўрсатади.

Айти формулярга тенг келувчи бирлик кўшни минтақа девонмаҳкама ишларида ҳам қўлланганлигини тасдиқловчи далиллар бор. Чунончи, даврдош мўғул тилидаги ёрликларда *k'üç'u bu k'urget ugee* шаклида, хитойча ҳужжатларда эса *syu i sili çji* кўринишида келади [Зиграф 1984, 26]. Ушбу бирикма имтиёз олаётган шахсга ҳеч ким зиён-заҳмат етказмаслиги қайд этилган қисмининг ўзига хос, асосий бирлиги сифатида юзага келган.

Ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги кўрсатувчи формулярлар. Ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги, унинг легитимлиги доимо ҳужжатчилик ишида бирламчи вазифалардан бири бўлиб келган. Айтиқса, кишиларга тегишли васиқаларнинг ҳақиқийлиги таъминлаш қийинчиликларни келтириб чиқарган. Бирок, бу масалада ҳам туркий ҳужжатчилик тарихида асосли йўлни танлаганлар. Бунинг ёрқин мисоллари фуқароларга тегишли ёзмаларда кўринади. Ушбу ҳужжатларнинг сўнггида унинг ҳақиқийлиги билан боғлиқ бир неча қолип-бирикмалар қўлланилган. Улардан бири *bu nişan meniñ ol* формуляри. Бу бирлик барча турдаги олди-сотти, ижара, қарз битимлари ва васиятномаларнинг ажралмас бирикмасидир. Бу ҳозирги ҳужжатчиликдаги имзо ва имзони ҳақиқийлигини тасдиқлаш жараёнига тўғри келади. Одатда васиқаларда *bu nişan men* қолипи, ундан сўнг белги (имзо) тегишли кишининг оти ва *ol* кесим вазифасидаги таъкид келади. Мана унинг мисоли: *bu nişan men Ariğniñ ol* – “бу белги (имзо) мен Ариғнингдир”. Ушбу бирикмада қўлланилаётган *nişan* атамаси ҳуқуқий муносабат жараёнида қатнашаётган кишининг имзоси ёки белгиси маъносида келади.




“*Bu tamğa men Asananiñ ol – бу мухр мен Асаннингдир*”
қолип бирлиги қатнашган васиқадан намуна

Бундан бошқа *nišan* сўзи ўрнида *tamğa* атамаси ишлатилган қолипни ҳам кўриш мумкин. Бу сингари бирикмада *tamğa* – “мухр” англамида қўлланилади.

Nišan ва *tamğa* сўзларининг бири “белги” (имзо), иккинчиси “мухр” эканини васиқалар матнидан ҳам билиш мумкин. *Nišan* битилган ўринда белги қўйилган; *tamğa* ёзилган ёзмаларда мухр босилган.

Кишилар ўртасидаги ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини таъминлашда қўлланилувчи яна бир қолип-бирикма расмий матннинг ким томонидан ёки кимнинг сўзи билан ёзилганлигини кўрсатувчи формулярдир. Мазкур бирлик фуқаро ҳужжатлари якуний қисмининг ажралмас, доимий компоненти сифатида келади. Ушбу бирлик ёрдамида олди-берди муносабатига киришаётган томонлардан бири ҳужжатни ўз қўли билан битганлиги ёки расмий матн томонларидан бирининг ёки иккаласининг сўзи билан айтиб туриб ёзилгани таъкидланади. Мана бунинг ўрнаги: *bu bitigni men Buyan Tämür öz iligin bitiyü tegintim* – бу ҳужжатни мен Буян Темур ўз қўлим билан ёздим. Бу ўринда васиқани Буян Темур ўз қўли билан ёзганлиги таъкидланмоқда.

Бошқа бир U 5260 рақамли ҳужжатда ушбу қайд васиқа расмийлаштириш ишида қатнашаётган кишининг сўзи билан битилганлиги баён этилади: *men Moñul Buqa ayüip bitidim.* – мен Мўнгул Буқа айтиб битдим [U 5260, 9].



U 5260 кўрсаткичли васиқадан кўриниш

Ушбу формулярга тенг келувчи бирлик ҳозирда ҳам хужжатчилик ишида қўлланилади. Жумладан, расмий матнлардан тушунтириш хати сўнгида доимий, ажралмас компонент сифатида келувчи “*тушунтириш хати ўз қўлим билан тўғри ёзилди*” бирлиги эски хужжатчилик анъанасининг замонавий кўринишидир.

Юқоридагилардан ташқари девон-махкама идораларига тегишли ҳукмдорларнинг ёрлиқлари киришида қолипга тушган бирикма ўрин олади. Одатга кўра, давлат ёрлиқларининг бошланишида унинг ким томонидан берилаётгани қайд этилган компонент келади. Ушбу компонент “унвон” дейилган. Унвонларнинг тузилиши ўзига хос. Айниқса, илк ва ўрта асрлардан қолган хужжатларнинг унвони эътиборни ўзига тортади [Алимухамедов 2015, 80-83]. Улар содда гап шаклида бўлишига қарамай, моҳиятан кенг қамровлидир.

Шу ўринда ота-боболаримиз томонидан яратилган расмий ёзмаларнинг унвонларини кўриб чиқсак.

Бизга қадар қолган матнлар ичида унвоннинг энг эски ва тугал кўринишини 735 йили кўк турк ёзуви билан тикланган Билга хоқон битигтошида учратамиз. Ушбу ёдгорликда хоқоннинг ёрлиғи келади. Ёрлиқ унвон билан бошланган: **ᠲᠠᠩᠭᠢᠨᠲᠠᠭᠢᠨᠲᠠᠭᠢᠨᠲᠠᠭᠢᠨ** *Tāngri-täg tāngri yaratmış türk Bilgä qağan sabīm*. Ушбу унвонни юқорида икки бўлакка ажратган эдик. Биринчиси *Tāngri-täg tāngri yaratmış* “кўкдай (улуғ) тангри яратган”, кейингиси *türk Bilgä qağan sabīm* “кўркмас Билга хоқон сўзим”. Шулардан иккинчи бўлак (*türk Bilgä qağan sabīm*) унвон ҳисобланади. Бу билан ёрлиқ Билга хоқон салтанати девонхонасига

тегишлилиги англашилади. Янада кераклиси, битигтошда киритилган ёрлик унвонининг бир қолипдалигидир. Бу эса ўша қадим кезлардаёқ хужжатчилик амалиётида расмий ёзманинг матн компоненти сифатида ўрин олган қолип-бирликнинг тугал, ихчам ҳолдаги тизими шаклланганини кўрсатади.

Ушбу қолип-бирликма вақт ўтгани сайин адабий тилнинг ривожи билан боғлиқ ҳолда юксалиб борган. Чунончи, илк ўрта асрлар хужжатлари унвонда “ёрлик, буйрук” англамида келувчи *sabim* ўрта аср туркий хужжатларида *sözüm* калимаси билан алмашган; *sözüm* туркий хужжатчилик тараққиётининг илк босқичида кенг қўлланган *sabim* нинг айнан ўзидир. Чунки тил тараққиётининг IX – X юзйилликларидан бошлаб *sab* лексемаси ўрнига *söz* калимаси қўлланила бошлади. Шундан бошлаб, ёрликлар бошламасида ҳам қадимги *sab* ўрнини *söz* эгаллади. Жумладан, қорахонийлар ва чингизий султонлар ҳукмронлиги давридан қолган ёрликларда айнаи ҳолатни кўриш мумкин.

Берлин фондида U5295 рақам остида сақланаётган хужжат
унвони

Масалан, Берлин фондида U5295 рақами остида сақланаётган ва XIII асрда берилгани тахмин этилган Ара Темур ёрлигининг унвони *Ara Temür sözüm* кўринишидадир.

Ушбу компонент ўрта аср мусулмон Шарқи хужжатчилиги амалиётида *у н в о н* деб юритила бошлаган. Бу кезлардан қолган хужжатларнинг унвони ҳам эски хужжатчилик анъанасини давом эттирган. Унвонлардан ўрин олувчи юрт эгаларининг отига қўшилувчи сифатлар янада тугаллашиб ўсиб борган. Ўша чоғдан қолган айрим ёрликларга эътибор қаратсак.

Соҳибқирон Темурбек 1378 йили Хоразмда Або Муслим авлодларига берган ёрлиғининг унвони *Abul Muzaffar al-Mansur Amir Temür Muhammad Bahadurxan söziüm* шаклида [Мўминов 1932, 2]. Ушбу унвон икки компонентдан ташкил топган бўлиб, биринчиси ёрлиқ бераётган хоннинг исми ва сифати (*Abul Muzaffar*



Соҳибқирон Темурбек 1378 йили берган ёрлиғининг
унвони

al-Mansur Amir Temür Muhammad Bahadurxan), иккинчиси ёрлиқ(*söz*)нинг кимга тегишлилигини англатувчи бўлақдир. Бу унвондаги *Abul Muzaffar al-Mansur* бирикмаси Темурбекнинг эпитетидир. Бундан ташқари Темурбекнинг отидан 1400 йили сиғноқлик Сирожиддинни шайхул ислом мансабига тайинлаш муносабати билан берилган бошқа бир ёзма ҳам мавжуд бўлиб, унда соҳибқиронга нисбатан *abul ġāzi* сифати ишлатилади. Мана ўша нишоннинг унвони: *Abul ġāzi Amir Temürxan Bahadur Sultān söziümüz*⁸ Бу унвонда, юқоридаги ёрлиқ унвонидан фаркли ўлароқ, *söz* калимаси кўплик шаклида қўлланилган (*sözüümüz*).

Шохруҳ Мирзо 1422 йили Ҳирот яқинидаги Талхон ота мазорининг мужовири Исмоилни турли тўловлардан озод этиш учун суюрғол берган. Суюрғолнинг унвони шундай: *Šahrux*

⁸ Ёрлиқ Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказининг хазинасида 197- рақам остида сақланмоқда.


Шоҳруҳ Мирзо 1422 йили берган нишонининг унвони

Bahadur söziüm. Мазкур унвонда ҳукмдорнинг номидан кейин олий табақа вакилларига берилувчи *bahadur* эпитети кўшилди.

1469 йили Андижонда битилган Умаршайх Мирзо нишонидаги унвон Шоҳруҳ Мирзо ёрлиғининг унвонига яқин кўринишда: *Sultān Umar Şayx söziüm.* Ушбу унвонда ҳукмдорнинг оти “хон” даражасига тенг турувчи *sultān* сўзи билан қўлланилган.

Умаршайх Мирзо 1469 йили берган ҳужжатининг унвони

Ўша кезларнинг ҳукм сурган бошқа туркий давлатларда ҳам айна қолипда унвонни битиш анъанаси давом этган. 1392 йили араб хатида битилган Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг Бекҳожига берган тархон ёрлиғининг унвони шундай: *Toqtamiş söziüm.* Ушбу унвон икки қисмдан ташкил топган бўлиб, биринчиси ёрлик



Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг тархон ёрлиғининг унвони

берувчи хоннинг номи (*Toqtamiš*), иккинчиси *söz* бўлиб, эгалик кўшимчасининг I шахс бирлик шаклида ифодаланаяпти: *söz + -um = sözüm*. Олтин Ўрда хонларидан яна бири Темур Кутлуғнинг 1398 йилда қримлик мулкдор Мухаммад ва унинг фарзандларига берган ёрлиғининг унвони Тўхтамишники сингари: *Temür Qutluğ sözüm*.



Олтин Ўрда хони Темур Кутлуғ 1398 йили
берган тархон ёрлиғининг унвони

Туркий ҳужжатлар унвонининг бундай тузилганлиги баъзи олимларга ясама бўлиб кўринган. Чунончи, В.В. Радлов Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили битилган уйғур ёзувли ёрлиғида келган *Toqtamiš sözüm* унвонини аслида *Toqtamiš māniñ sözüm budur* (= *bu turur*) жумласининг қисқарган шакли деб қарайди [Радлов 1888, 4]. Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, расмий матнлардаги *Šahrux Bahadur sözüm*, *Sultān Umar Šayx sözüm* сингари унвонлар туркий тилнинг ички қонунлари, расмий услуб талаблари асосида шаклланган қолип эканлиги аён бўлади. Ҳукмдор қўл остидагиларига йўлланган барча расмий битиглар унвони ана шу шаклда бўлган.

Энди, расмий матнлар унвонининг кесимига айланган *sözüm* (ёки *sözümüz*)нинг маъноси ва вазифаси хусусида. Унвонлардаги *sözüm* илкин маъносида “менинг сўзим” (“слово мое”)ни беради. Бироқ, расмий ва дипломатик ҳужжатларда у “менинг ёрлиғим; менинг буйруғим; менинг фармоним” маъноларида қўлланилган. *Sözüm* айна маъноси билан расмий услубни таъминловчи атамадир.

Шуниси эътиборга лойиқки, “буйруқ, фармон” маъносини берувчи *sözüm* хонлар томонидан берилаётган ёрлиқлардагина

қўлланилади⁹. Дипломатик хужжатлар унвонида эса ишлатилмайди. Сабаби, дипломатик хужжатлар тенг томонлар ўртасида тузилган ва уларда бир ҳукмдорнинг иккинчи ҳукмдорга буйруқ, кўрсатма бериши дипломатик этикиет қоидаларига тўғри келмайди. Расмий матнлар унвонидаги *sözium* нинг “буйруқ, фармон” маъносида келишини тасдиқловчи бошқа мисоллар ҳам бор. Хусусан, форсча ёрлиқлар унвонини бунга киёслаш мумкин. Масалан, шарқшунос Л. Фекетининг “Einführung in die persische Palaographie” (“Форс палеографиясига кириш”) китобида берилган 101 дона хужжат унвонларидан баъзиларида *farmān* истилоҳи, унга даврдош бўлган бошқа бирларида эса *sözium* калимаси билан қўлланилган: *Farmānī Abul Muzaffar Nuriddin Muhammad Jahāngir pādīshāh ḡāzi* “Абул музаффар Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир подшоҳ ғози фармони” [Fekete 1977,31]. Ёки туркий унвонлар билан бошланувчи айрим форсча хужжатларда *sözium* ўрнига тўғридан-тўғри *buyruḡi* қўлланилган: *Abul Fath Uḡurlu Muhammad buyruḡi* [Fekete 1977, 40].

Söz калимаси буйруқ англамида қўлланганини айрим маҳаллий бошқарув идораларига тегишли буйруқ характеридаги ёзмаларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, бошқарув идорасининг қуйидаги буйруғини таҳлил этсак: *Biz Qutluḡ Qaya Temir Turmiš Qalimdu El Temir Masī Balta başlap Buričuluqa sözümüz yimā sen bu Temir Qayaqa ton satīḡi iki yarīm bözni bergil usal bolmazun bu nišan bizniḡ ol.* – Биз Қутлуғ Қоя, Темур Турмиш, Қалимду, Эл Темур, Маси Болта бошлаб Буричулукка буйруғимиз. Энди сен бу Темур Қояга

⁹ Бу тўғрида татаристонлик тарихчи М. А. Усманов ёзади: “Известно, что все ханские ярлыки, как правило, начинаются со слов “такого-то хана слово” (*Timür-Qutliq sözüm* и т.д.). Как показали предварительные исследования, формула “такого-то хана слово”, свойственна только ярлыкам, но не битикам-посланиям. Ярлыки содержали повелительный, указной оттенок, являясь прерогативой только хана” [Усманов 1973, 156].

тўн сотиғи икки ярим бўзни бергил, ўсал бўлмасин, бу белги бизникидир [Arat 1987, 565-566]. Хужжат мазмунидан унинг буйруқ оҳанги аниқ-таниқ кўриниб турибди. Яна бир далил. Сўз маъносига тенг келувчи арабчадаги *qavl* калимаси теуурийлар даврида “фармон” англамида кўлланган [АНАТИЛ I, 14]. Бу ҳам *söz* нинг “буйруқ” англамига қиёсан олинган кўринади. Бунинг сингари мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Бундан хужжатлар унвонидаги *söz* калимаси ҳуқуқий атама вазифасида “буйруқ, фармон” маъноларини англаганини айтиш мумкин.

Шу ўринда туркий унвонларнинг келиб чиқиши, тарихий илдишлари тўғрисида икки оғиз. Айрим тарихчилар хужжатлардаги *sözüm* чингизий хонларнинг хужжатлари унвонида келувчи “уги ману” (сўзимиз)нинг ўзлаштирилган ва калькаланган шакли деб қарайдилар [Бартольд 1922, 191; Чехович 1974, 37; Григорьев 1978, 33.].

Масала моҳиятига чуқурроқ кирилса, расмий матнлардаги айна анъана қадимги туркий хужжатчиликда ҳам мавжуд эди, дейиш имконини беради. Ўрта аср хужжатчилигида кенг кўлланган бунинг сингари қолип-бирикмалар ўз йўлини қадимги битиглардан ёки ундан-да эски кезлардан бошлаган, дея оламиз. Боиси, А.Беренштамнинг ёзишига қараганда, қадимги хитой йилномаларида мелоддан бурунги юзийликларда хунлардан борган расмий ёзмалар, хоқонлар йўллаган ёрликларнинг унвони ҳам ана шундай қолипли эди [Беренштам 1940, 82–84]. Демак, биз сўз юритаётган хужжатлардаги унвонларнинг тузилиши узок тарихий-лингвистик анъананинг таъсирида юзага келган. Хужжатчиликдаги бу анъана хусусида Л.Тугушева ёзади: “Аналогичные выражения являются лишь сохранившимися по традиции трафаретными формами, принятыми в подобного рода документах в более раннюю эпоху и выработанные, по-видимому, в полном соответствии с нормами того языка, на основе которого эти штампы создавались” [Тугушева 1972, 246].

Юқорида 735 йили ўрнатилган Билга хоқон битигида келган ёрликларнинг унвони ушбу фикрларни тасдиқлаб турибди.

Энди яна мўғулча ҳужжатлардаги “уги ману”га қайтсак, бу қолип-бирикма Чингизхон даврида давлат маҳкамачилик ишларида етакчи вазифаларни бажарган туркийлар томонидан олиб кирилган. Улар ўз ота-боболари ёрликларидаги унвонлар ва ҳужжат тузиш шаклини мўғулча ёрликларга таржима қилиб қўллаш бошлаганлар. Чунки туркий халқларнинг ўз ёрликлари ана шундай қолипчи бошламалар билан берилган. Чунончи, уйғур бекларининг XII-XIII асрларга оид ёдгорликларида *Apa Temür sözü, Küräm Arslan sözü* каби ўнлаб туркий унвонларни топиш мумкин [Radloff 1928, 66,33,236]. Бундан ташқари, мўғулча ёрликларда “уги ману” Чингизхон давридан бошлаб ишлатилган [Усманов 1979, 202]. Рус тарихчиси А.Григорьевнинг изланишларида чингизий султонларнинг ёрликларидаги унвоннинг тўлиқ кўринишидаги қолипи қуйидагича келтирилган: *Mönkä denri-yin kücün-dür qağan-u suu-tur* (Хукмдорнинг оти) *üge manu* [Григорьев 1978, 32]. – “Мангу тангрининг қудрати билан улуғ хоқон марҳаматидан (Хукмдорнинг оти) сўзим”. Ушбу компонент туркий ҳужжатлардаги қолипнинг айнан ўзи бўлиб, ёлғиз тили мўғулча экани билан фарқланади.

Чингизий султонларнинг ҳужжатларидаги унвон тўлалигича туркий ҳужжатчилик амалиётидан ўзлаштирилган. Боиси, кўк турк матнларида ҳамд ва унвон бир жумла таркибида берилади. Алқовни ушбу ҳолатда берилишини мўғуллар ўзларининг иш юритиш жараёнига кўчирган кўринади. Бугина эмас, умуман, мўғул тарихнавислиги, матнчилиги аъёнлари ўз йўлини туркий тарихнавислиги ва матнчилиги асос солган андаза бўйича юзага келтирган [Бу тўғрида тугал маълумот учун боқинг: Бира 1978].

Кўринадики, туркий расмий матнлар унвони қадимги туркий муҳитда ҳужжат ёзилаётган тил хусусиятлари ва расмий услуб қонуниятлари асосида шакланган бўлиб, ўрта аср даври ёрликларида унинг такомиллашган ва ихчам бир қолипини

кўрамыз. Демак, туркий расмий матнчилиги тарихан узок, узлуксиз юксалув босқичини ўтган.

Туркий расмий ёзмаларда қўлланган ушбу ифода шакли XIX юзйилликнинг иккинчи ярмида, сўнгги хонликлар даврида ҳам амалда бўлган¹⁰.

Муҳими шундаки, туркий тилдаги ҳужжатчилик анъанаси ёлғиз мўғул ҳужжатчилигига эмас, бошқа тилларнинг ҳам расмий ёзмалар услубига таъсир этган. Чунончи, ўрта асрларда битилган форсча ёрликлар унвонининг андозасини турклардан ўзлаштирган; улар туркий тилда, туркий давлатлар канцелярияларида қўллаган шаклда берилади. Бунга мисол сифатида Темурбекнинг 1401 йили битилган форсча ёрлиғи ва унинг унвонини келтириш мумкин. Ушбу ёрлик туркий унвон билан (*Temür Körägän sözümiş*) бошланади [Fekete 1977,72]. Темурийлардан бўлмиш Маҳмуд Мирзонинг Ўратепа вилоятига қози тайинлаш муносабати билан берган форсча ёрлиғининг унвони ҳам туркий шаклда: *Sultān Mahmud ġāzi sözümiş* [Егани 1975,78]. Шундай унвонлар сирасига XV–XVII асрларда яратилган бошқа форсча ёрликларни ҳам киритиш мумкин.

Шу ўринда форс тилида ёзилган ёрликларнинг унвонларидан ўрнаклар келтирамыз:

Узун Ҳасаннинг 1473 йили ёздирган ёрлиғидаги унвон: *Al-hukmu-l-lahi Abu-l-Nasr Hasan Bahadur sözümiş*.

Сафавий ҳукмдор шоҳ Исмоил I нинг 1509 йили битилган ёрлиғининг унвони: *Al-hukmu-l-lahi abu-l- Muzaffar Ismāil Bahadur sözümiş*

¹⁰ Сўнгги Бухоро, Қўқон, ва Хева хонларининг расмий ёзмаларида ҳам илк ўрта асрларнинг ҳужжатларида қўлланилган шакл сақланган. Ана шундай матнлардан бири Хева хони Муҳаммад Аминхоннинг 1854 йили битилган ёрлиғининг унвони куйидагича: *Abul Muzaffar val Mansur Abul Ğāzi Muhammad Amin Bahadurxan sözümiş* [Брегеля 1967,431].

Шайбонийлардан Убайдуллахоннинг 1513 йили берган хужжатининг унвони: *Abu-l-ğāzi Ubaydullah Bahadurxon sōzūmūz* [Мисоллар Л. Фекете нашридан олинди Fekete 1977, 29–30]:

Форсча ёрликларда туркий унвоннинг қўлланиши форсча хужжат тузиш услубининг чеклангани эмас, балки форс девон-маҳкамачилиги амалиётида ҳам туркий иш юритиш анъанаси юқори бўлганидан далолат беради.

Шунингдек, туркий хужжатлар унвони таъсирида юзага келган мўғул ёрликларидаги формуляр Юань династияси даврида XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XIV юзйилликнинг иккинчи яримига қадар хитойча хужжатларда унинг айна таржимаси қўлланган [Зограф 1984, 110]

Туркий хужжатчилик анъанаси ўрта аср рус давлат маҳкамачилигига ҳам таъсир этган. Чунончи, рус князлари 1492 йилдан эътиборан ўз хужжатларида туркий унвонларга хос бўлган *sōzūm* ни “слово мое” шаклида қўллай бошлаганлар [Усманов 1979, 185–199].

Шундай қилиб, туркий расмий ёзмалар кириш қисмининг ажралмас компоненти сифатида келувчи унвон туркий хужжатчилик анъанаси таъсирида юзага келган. У қатъий бир қолипга тушиб улгурган эди. Шунингдек, ўрта асрларда мўғул, форс, хитой, рус тилларида битилган хужжатлар унвонининг шакланувида туркий хужжатчилик анъанасининг самарали таъсири кўринади.

Умуман, биз сўз юритган хужжатлардаги ифода қолипларининг тузилиши узок тарихий-лингвистик анъананинг таъсирида юзага келган. Бу сингари бирликлар анча бурунги кезлардан шу каби давлатнинг расмий ёзмаларда қолип шаклида юзага келтирилган ва айна хужжатлар битилган тил меъёрларига тўла мос равишда ишлаб чиқилган кўринади.

Дипломатик ҳужжатларни расмийлаштириш йўллари ва матн легитимлиги масаласи

Давлат ва фуқаро ишларида ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига алоҳида урғу берилган. Қадим кезлардан бошлаб, ҳужжатни юридик кучга эга экани, унинг легитимлиги тасдиқлаш орқали амалга оширилган. Ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги “тамға”, “муҳр”, “нишон”лар билан қонунийлаштирилган.

Ўша замонларда расмий ишларда қўлланилган муҳр-тамғаларнинг кўриниши бир неча хил – доирабичимли, бодом-бичимли ёки уч, тўрт, олти, саккиз бурчаклидир.


Улар орасида тўртбурчак кўринишдаги муҳрлардан ҳужжатчилик амалиётида кўпроқ фойдаланилган.



Ўрта асрларда қўлланган муҳр-тамғаларнинг
кўриниши

Эътиборга сазовор ери шундаки, расмий услуб тараққиётининг илкин чоғларида кўк турк хатида *quthuğ* сўзи ўйиб туширилган

тамға ҳам топилган. Шу сингари муҳрлардан кўк турк хатидаги хукуқий матнларни тасдиқлаш учун қўлланилгани шубҳасиз.



Ушбу муҳрлар XIII-XIV асрларга тегишли туркий-уйғур ёзувидаги ҳужжатларнинг тасдиқ қисмидан олинди. Тамғаларда ҳам *qutluğ* шиори ўйиб туширилган.




Қадимги боболаримизда

расмий матнларни шунга ўхшаш сўзлар ўйиб ёзилган муҳрлар билан тасдиқлаш анъана тусига кирганини, кейинги XIII-XIV юзйилликларга тегишли туркий-уйғур ёзувидаги ҳужжатларда кузатиш мумкин. Бу давр ҳужжатларининг катта қисми ана шу сингари “қутлуғ” шиорли туркий-уйғур ёзувида битилган тамға билан тасдиқланган.

Ислоҳ даври ҳужжатчилигида ҳам ушбу анъана узлуксиз давом этган. Бундай муҳр-тамғаларнинг классик намуналарини теурийлар даври ҳужжатчилигида учратамиз. Улар “чорсу муҳр” дейилган. Чорсу муҳрни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам тилга олган. У ёзади: “Яна бири Мир Ғиёс тағойи эди. Али Дўстнинг иниси эди. Мўғул мирзолари орасида Султон Абусаид мирзо эшигида мундин илгарроқ киши йўқ эрди. Султон Абу Саид

мирзонинг чорсу мухри мунда эди” [БН 1990,17]. Ушбу



Бобур тилга олган чорсу
мухрнинг намунаси

маълумотлардан

Султон Абусаид

мирзонинг тўрт

бурчакли мухри

унинг Мир Ғиёс

тағойи исмли

мулозимида

сақланганлиги

маълум бўлади.

Қизиғи шундаки,

Бобур тилга олган

чорсу мухрнинг

намунаси расмий

хужжатларда ҳам

етиб келган. Абусаид

мирзонинг ана ўша

тамғаси оқ куюнлилар

хукмдори Узун Ҳасанга 1468 йили йўлланган ёрликнинг якунига қўйилган. Тўрт бурчакли ушбу хон тамғаси 8.5x8.5 ўлчамида бўлиб, юқорисида *bismillah*, ўнг ёғида *la ilaha illal-l-iahu* (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ), сўл ёғида *Muhammadu-r-rasul-ul-lahi* (Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси) калимаси ва қуйисида *al-Husan va-l-Husayin* деб ёзилган. Мухр-тамғанинг тўрт бурчагига тўрт чоҳарёр – *Abubakr, Umar, Usmān* ва *Ali* отлари бўртма қилиб туширилган. Мухрнинг ўртасида *As-sultanu-l-a'zam va-l-xaqanu-l-akram muğisu-l-haq va-d-din sultan Abusaid Kōrāgān xalida-l-lahu mulkahu va sultanahu* (Адолат ва диннинг қўриқчиси буюк султон ва кароматли хоқон султон Абусаид Кўрагон. Аллоҳ унинг мулки ва салтанатини юксалтирсин) шиори бор.

XIV–XV

юзйилликларда
 тўрт бурчак
 мухрнинг
 функцияси бир оз
 торайган кўринади.
 Ундан, асосан,
 ҳукмдорнинг олий
 даражадаги
 буйруқлари ва
 ёзишмаларини
 расмийлаштириш
 ҳамда
 тасдиқлашдагина
 фойдаланилганини
 кўрсатувчи фактлар
 мавжуд. Бу
 мулоҳазани 1393 йилда
 ёзилган Олтин Ўрда хони




Олтин Ўрда хони
 Тўхтамишнинг олтин мухри

Тўхтамишнинг поляк кироли Яғайлага йўллаган ёрлиғининг тасдиқ қисми далиллайди. Ёрлиқнинг 3-5- сатрлари қолганларидан ичкарироқ (чапроққа) ёзилган. Улар олдида араб ёзувининг куфа турида битилган, бири иккинчисининг ичига жойлаштирилган 6,3x6,6 см. ли тўртбурчак шаклидаги хоннинг олтин мухри босилган. Мухр араб тилида бўлиб ўртасида: *as-Sultānu-l-ā'dilu Toqtamiš* (адолатли султон Тўхтамиш), ташқи томонида: *Bismi-l-lahi-r-rahmani-r-rahim. La ilaha illa-l-lahu Muhammadu-r-rasul-ul-lahi. Salla-l-lahu a'layhi va-s-sallam* (Меҳрибон раҳимли Аллоҳнинг оти билан бошлайман. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси. Унга Аллоҳнинг саловат ва саломи бўлсин) калималари битилган

Юқоридаги далиллар айрим олимларнинг тўртбурчак кўринишдаги мухрларни хитой иш юритишидан ўзлаштирилган деган қарашларига терсдир [Малов 1951,200].

Темурийлар давлатининг ички ёрликлари, асосан, доира ва



Amir Temür Körägän bin Tarağay жумласи ўйиб
битилган мухр

бодомбичимли мухр-тамғалар билан тасдиқланган. Чунончи, Темур, Шохрух Мирзо ва Умаршайх Мирзо нишонларининг тасдиқ қисмидаги мухр-тамғалар бодом бичимли ва доира бичимлидир.

Соҳибқирон Темурбекнинг 1378 йили Хоразмда Або Муслим авлодларига берган тархонлик ёрлиғининг 3–4- қаторлари олдида хоннинг мухри босилган. Унда: *Amir Temür Körägän bin Tarağay* жумласи ўйиб битилган.

Туркий - уйғур хатида битилган ҳужжатлардан Шохрух Мирзонинг 1422 йилдаги нишонидаги тамға доира бичимлидир.

13 қаторли ҳужжатнинг иккинчи ва учинчи сатрлари матннинг ўртасидан бошланган ва улар олдида доира шаклидаги хон мухри мавжуд. Араб ёзувли ушбу мухр шундай ўқилади: *al-vatiq bi-l-lah al-ğafur Šahrux bahadur* (кечиргувчи Аллоҳ номи билан тасдиқловчи – Шохрух Баҳодир).

Хужжатнинг 11-13- қаторлари охирида, яна бир доира кўринишидаги муҳр бор. Унга: *nišani Šahrux bahadur nišani* (*Шохруҳ Баҳодир муҳри*) сўзлари ёзилган.



Шохруҳ Мирзонинг 1422 йили битилган хужжати
тамғаси

Хужжатларда муҳр- тамғанинг босиладиган ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, расмий ёзишмаларда бунга алоҳида эътибор қаратилган. Унга қараб, мактуб йўллаган кишининг мавқеи, даражаси ва мартабасини билиш мумкин. Ўринсиз урилган муҳр-тамға баъзан англашилмовчилик ва келишмовчиликка ҳам сабаб бўлган. Бунинг билан боғлиқ бир мисолни Бобур ҳам элаган эди. У ёзади: “Хат битмақдин ва бизни тиламақдин мункир бўлиб, рустоиёна ва дурушт жавоблар йибордилар. Ул рустоиликларидин бири бу эрдиким, Шоҳибек менга битилган хатнинг орқасида *беклар бекларга, балки улуграқ мартабалик беклар кичикрак чарғалик бекларга муҳр босар ерда қоғознинг ўртасида* (таъкид бизники – Қ.О.) муҳр босиб йибориштур. ... Ушбу ситезаларидин ва рустоиликларидан эдиким, хонумонларини ва ўттуз, қирқ йил қазганларини барбод бердилар”[БН 1990,187–188].



Ўрта аср кишиларига тегишли нишон ва имзо
кўринишидаги белгилар

Кишилар ўртасидаги олди-берди, савдо-сотик ишларини расмийлаштириш ва хўжаликни юритиш билан боғлиқ иш қоғозларини тасдиқлашда фуқаролар ўзларига тегишли нишон ва имзо кўринишидаги белгиларидан фойдаланишган.

Чигатой ва Олтин Ўрда хонлари девонида битилган хужжатларни тасдиқлашда қизил тусли тамға-мухрдан фойдаланганла

р. Бу мухрнинг номини англатишда *al tamğa* атамаси ишлатилган.

Бу билан боғлиқ



далилни Ибн Баттута учратиш асарида



Ал тамға намуналари

мумкин. “Улар (мухрни) “ал тамға” деб аташади “ал” - қизил ва “тамға” - мухр маъносини билдиради [Иброҳимов 1993,69].

Ўрта асрларда туркий хужжатчилик амалиётида подшоҳларнинг фармонлари битиладиган қоғознинг энг юқори



Усмонли султонларнинг туғроларидан ўрнаклар

қисмига чиройли кўринишда сарлавҳа ёзиш анъана тусига кира бошлади. Бу ҳодиса хужжатчиликда “туғро” атамаси билан юритилган.


Алишер Навоийнинг “Муншаот” асарида ушбу атама билан боғлиқ қуйидаги маълумот келтирилади: “Яна улким, бир нишонингиз (буйруқ)ни келтурдилар, туғросида Мирзо отини битмайдурсиз” [АНАТИЛ 1984,Ц, 266]. Туғрода ҳукмдорнинг оти ва унвони берилади. Чунончи, Заҳириддин Бобур ўз эсдаликларида Рано Санго устидан ғалаба қозонгандан сўнг ўз фатҳномаси ва хужжатларининг туғросида “ғозий” унвони қўшиб ёздирга бошлаганини алоҳида қайд этган: “Бу фатҳдан сўнгра “туғро”да “ғозий” битилди” [БН 1990, 298].

Булардан ташқари хонларнинг девонида туркий - уйғур хатидаги расмий ёзма тузиш иши билан шуғулланадиган битигчилар хужжатни расмийлаштириш жараёнида қуйидаги жиҳатга ҳам алоҳида урғу беришган.

Ёзмада ёрлик бераётган хукмдорнинг оти, унинг ота-боболарининг номи ва сифатлари, шунингдек тангрининг исми сифатлари ҳамиша янги қатордан бир оз олдинга чиқарилиб бошланган. Бунинг исботини Соҳибқирон Темурбегнинг буйруғи билан 1391 йили апрель ойида Қозоғистоннинг Улуғ тоғида ўрнатилган битигтошда ҳам кўриш мумкин.

Султоннинг номидан ёзилган ёзманинг саккиз қатори туркий - уйғур хати билан туркий тилда битилган. У шундай ўқилади [Содиқов 2009, 91–93]:

1. Tarix yeti yüz toqsan üctä, qoy
2. yil yazniñ ara ayı Turanniñ sultāni
3. Temürbeg üç yüz miñ çerig bilä islām ücün Toxtamiş xanī (bulyar?)
4. xanīğa yorıdı. Bu yergä yetip belgü bolsun tep
5. bu tobanı qopardı.
6. Täñri nisfat bergäy inşalla.
7. Täñri el kişiğä rahmat qılğay, bizni duā bilä
8. yād qılğay.




Туроннинг султони Темурбегнинг Улуғтоғда ўрнатган битигтоши

Агар ушбу битиг фотосига диққат қилинса, унда 3, 6 ва 7-қатордаги хоннинг оти (*Temürbeg*), тангрининг исми (*Täñri*) янги

қатор бошидандан ҳамда бошқа сатрлардан бир оз олдинга чиқарилиб ёзилган.

Айни шу сингари мисолларни Тўхтамиш, Темур Қутлуғ, Абу Саид, Фотиҳ Мехмеднинг уйғур ёзувли ёрликларида ҳам кўриш мумкин. Айрим ҳолларда битигчилар хон ва тангри билан боғлиқ сўзларга айрича муносабат бўлишиб, ушбу бирликларни зарҳал ёки кизил сиёҳда битганлар.

Бизга бу масалага ойдинлик киритишда XV асрнинг машхур



Тангри сўзи бошқа сатрлардан олдинга чиқарилиб
ёзилган Абу Саиднинг ёрлик-мактубидан

тарихчи ва дипломати Абдуразоқ Самарқандий маълумотлари ёрдам беради. У ўзининг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида Шохрух қошига Хитойдан яъни, Чиндан, шарқий турк элидан келган элчилар тўғрисида хабар бера туриб, ҳужжатнинг расмийлаштириш билан боғлиқ қимматли далилни келтирган. У ёзади: “Хитойликларнинг [яъни Чин ҳукмдорлари – Қ.О] услуби шундайки, улар мактубда подшоҳнинг номини сатр бошидан ёзадилар ва (қолган) сатрларни ундан бир миқдор пастдан бошлайдилар. Мактуб асносида ҳар ердаки Худойи таолонинг номи (тилга олинган жой)га етган бўлса, шу етган жойларида (сатрни бўш) қолдирадилар ва Оллоҳи таолонинг номини янги сатр бошидан ёзадилар. Агар подшоҳнинг зикри тилга олинса ҳам шу тарика иш тутадилар” [Абдуразоқ Самарқандий 1969, 257]. Мисолдан англашиладики, туркий - уйғур хати билан туркий тилда

битилган ҳужжатлардаги бу усулни Марказий Осиё халқлари тарихида узоқ давом этган дипломатик ва тарихий-маданий муносабатлар таъсирида юзага келган дейиш мумкин.

Шу ўринда Абдураззоқ Самарқандий қўшни эллардан келган ёзмаларнинг тили тўғрисида ҳам муҳим маълумотни келтиради: “У (хитойлик)лар уфқлар султони (хоқони саид - Шоҳрух) қошига ҳар гал келтирган мактублари уч мактубдан иборат бўлиб, ҳар бир мактуб уч хил хат: бири ана шу нусха ёзилган машҳур хат билан форсий иборатда, иккинчиси (аслида) уйғур хати бўлмиш мўғул хати билан турк тилида ва учинчиси хитой хати билан хитойликлар тилида ёзилган эди; ҳар учала хатнинг мазмуни бир. Яна бир мактуб юборилган бўлиб, овчи қўшлардан, тўққиз-тўққизлардан ва ҳадялардан нимаки юборган бўлсалар, у мактубда муфассал қайд қилинган эди; бу мактуб ҳам юқоридагидек уч тилда ва уч турли хат билан ёзилган. Шунингдек, бамисоли йўл хатидек яна бир мактуб ҳам шу тариқа ҳар уч тилда уч хил хат билан битилган [Абдураззоқ Самарқандий 1969, 258]. Мазкур факт дипломатик ёзмаларнинг тили тўғрисидаги қарашларга ойдинлик киритади. Абдураззоқ Самарқандий фикрига ҳамоҳанг қарашни Муҳаммад ибн Ҳиндушоҳ Нахчивоний ҳам ёзиб қолдирган. У “Дастур ал-катиб фи таъйин ал-маратиб” асарида қуйидагиларни ёзади: “Даже государственные указы – ярлыки – и.т.п. для доступности и содержания другим народам иной раз издавались на языке каждого народа” [Муҳаммад ибн Ҳиндушоҳ Нахчивоний 1976, 10–11]. Туркий ҳукмдорлар ўз давлатларида яшовчи ўзга миллат вакилларига бағрикенглик (толерантлилиқ) муносабатида, уларнинг она тилисида ҳам ҳужжатлар тузишган. Ёзмаларнинг тили турлича бўлишига қарамасдан унинг тузилиши қатъий ишлаб чиқилган бир хил кўринишдаги қолип, андоза асосида ёзиларди. Бунда туркий ҳужжатчиликнинг шакли асосга олинган эди.

Туркий ҳужжатлар тили ва расмий услуб тизимининг юқори даражада сайқалланганилиги билан характерланади. Расмий

ёзмалар услубида тил воситаларининг муайян тартибдаги ўлчови амал қилган.

Илк ва ўрта асрлардан қолган расмий ёзмалар турли тизимга тегишли ёзувларда битилган. Туркий расмий услуб ўзининг тараққиёти давомида кўк турк, уйғур, моний, дўрбаржин, араб алифболаридан фойдаланган. Расмий услубга тегишли матнларда ёзувнинг танланиши, ҳужжат битилган даврнинг тил ва ёзув вазияти ҳамда ёзувнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ бўлган.

Қадимдан қолган расмий ёзмалар ниҳоятда саводли битилган. Мазкур расмий матнлар имло меъёрларига ўз даври адабий тили имлосининг мезони сифатида қараш мумкин. Ҳужжатларда ҳарфлар тизими ва имлода қатъий тартиб мавжуд.

Муайян матндаги сўз танланишининг таҳлили ўша матн битилган давр жамиятининг нутқ маданияти ва адабий нормасини белгилашда асосий ўлчов бўлиб хизмат қилади.

Илк ва ўрта асрлардан бизга қадар етиб келган расмий матнларнинг лексик ўзгачалиги, ёзмалар битилган кезде яшаган қадим ажодларимизнинг иш юритувчилик соҳасидаги нутқ маданияти ва расмий нутқ доирасида қўлланилган адабий нормани кўрсатувчи энг ишончли далиллардир.

Расмий матнда сўз танлашга катта аҳамият берилган. Давлат институтларига тегишли иш ёзмаларининг мазмуни ва сўз танланишига девонда шу соҳа билан шуғулланувчи мансабдорлар *ilimğa, yazğıcı* ва *bitigçi* масъул ҳисобланган.

Ажодларимиз расмий ёзмалари таҳрири билан ўзлари шуғуллангани, расмий матнларнинг меъёрлари яхши шаклангани, расмий ёзмалар услуби жамиятга ўрнашгани, ўша кезде кишилар орасида ўқиш ва ёзиш саводидан ташқари, ҳужжат тузиш лаёқати, яъни ҳуқуқий саводхонлик ҳам йўлга қўйилгани маълум бўлди.

Ўша кезларда ҳужжат битиш қонун-қоидаларини ўзлаштиришга мўлжалланган муайян мактаблар ҳам фаолият олиб борган.

Хужжатларнинг морфологик кўрсаткичларни қўллаш тизими ўзига хосликларга эга. Мана шу ўзгачаликлар билан расмий услуб бошқа услублардан фарқланиб туради.

Туркий тилнинг узоқ асрли тарихий тараққиётини кузатадиган бўлсак, унинг структур кўрғасида катта бир ўзгаришни кўрмаймиз. Айниқса, бу ҳолат гап қурилишида янада яққол кўринади.

Расмий услубнинг муҳим ўлчовлари унда қўлланувчи қолишга тушган лисоний бирликларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Туркий хужжатчилик тарихида стереотип бирликларнинг ишлатиши кенг русум бўлган.

Диаломатик хужжатларнинг муайян турлари ва уларнинг бўлимлари алоҳида ўзигагина тегишли формулярларини юзага келтирган. Хужжат битувчилар ана шу бирликлардан унумли фойдаланган.

Хужжатлардаги ифода қолипларининг тузилиши узоқ тарихий-лингвистик анъананинг таъсирида юзага келган. Бу сингари бирликлар анча бурунги кезлардан шу каби давлатнинг расмий ёзмаларда қолип шаклида юзага келтирилган ва айни хужжатлар битилган тил меъёрларига тўла мос равишда ишлаб чиқилган.

Давлат ва фуқаро ишларида хужжатларнинг расмийлаштирилишига алоҳида урғу берилган. Қадим кезлардан бошлаб, хужжатни юридик кучга эга экани, унинг легитимлиги тасдиқлаш орқали амалга оширилган. Хужжатларнинг ҳақиқийлиги *tamğa, muhr, nişān* лар билан қонунийлаштирилган.

Кишилار ўртасидаги олди-берди, савдо-сотик ишларини расмийлаштириш ва хўжаликни юритиш билан боғлиқ иш қоғозларини тасдиқлашда фуқаролар ўзларига тегишли нишон ва имзо кўринишидаги белгиларидан фойдаланишган.

Хужжатлар ҳуқуқий матн саналади; фикр аниқлиги ва лўндалиги унинг сифатини белгилайди. Унда келган айрим лексик бирликларнинг график кўрғасидан тортиб, матн тугалламасигача, матннинг тугал тузилишигача ҳамма босқичлари меъёрга тушган.

Шундай тизимни яратиш учун эса бир неча авлод битигчиларининг тинимсиз изланиши ва машаққатли меҳнати керак бўлган.

ДИПЛОМАТИК ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ

Расмий матн – ҳуқуқий муносабат воқелигининг ёзув орқали кўриниши.

Расмий матннинг характерини кўрсатувчи энг муҳим жиҳат унинг амалиётга йўналтирилгани, яъни олдиндан кўзда тутилган мақсадни бажаришга қаратилганидир. Шунинг учун расмий матн доимо амалий вазифани бажарувчи прагматик ҳодиса саналади.

Матн – ўз-ўзидан юзага келиб қолган қурилма эмас; у аниқ бир мақсадни амалга ошириш учун бир чизиққа бирлашади; у доимо бир хил, турғун кўринишда намоён бўлади. Шунинг учун у тугал тизим сифатида ўз мазмуни ва қурилмаларига эга тугалланган хабар сифатида кўз олдимизга келади. Расмий матннинг ана шу ўзгачалигига таяниб фанда дипломатик¹¹ ёндашув усуллари кўмагида унинг қурилмалари, ажралмас компонентлари таҳлил этилади.

Ғарб давлатчилиги тарихидаги девон-маҳкама идораларида тузилган ҳужжатлар дипломатикасининг назарий асослари кенг планда, яхши ўрганилган. Ушбу йўналишда бажарилган тадқиқотлардан С.М.Каштановнинг “Очерки русской дипломатики” ва “Русская дипломатика” монографиясини қайд этишнинг ўзи етарли. Ушбу икки тадқиқотда дипломатиканинг асослари, объекти, методологияси сингари қатор масалалар яхши ёритилган [Каштанов 1970; 1988].

Шарқ мамлакатлари, жумладан, туркий давлатчилик кечмишида яратилган илк ва ўрта асрларнинг девон-маҳкама

¹¹ Тарихнинг ёрдамчи фанлари сирасида алоҳида ўрин тутувчи ушбу соҳа, расмий ёзмаларнинг ички қуруми, шакли ва мазмунини ўрганади. Дипломатика фанининг келиб чиқиши, йўналишлари ва объекти тўғрисида тўлиқ маълумот учун қаранг: [<http://dic.academic.ru/dic.nsf/bse/84678/Дипломатика>]

идораларига тегишли расмий ёзмалар дипломатикаси тугал текширилган эмас. Бу борада олиб борилган тадқиқотларда XVI юзйилликлардан кейин яратилган ҳужжатлар дипломатикаси эътиборга олинган. Айниқса, О.Д. Чеховичнинг “Задачи Среднеазиатский дипломатики” номли илмий мақоласида Бухоро, Хева ва Қўқон хонликлари девонхоналарида битилган ҳужжатларнинг дипломатик ёндашув усули асосида ўрганиш бўйича мулоҳазалар юритилади [Чехович 1969]. Шунингдек, усмонлилар салтанати девонхонасида битилган ҳужжатларнинг тузилиши А. Заячковский ва Я Рехманнинг “Zarys dyplomatyki osmansko-tureckisi” тадқиқотида ҳамда румин шарқшуноси М.Губоглунинг “Paliografia și diplomatica turco-osmana. Studiu și album” монографиясида текширилган [Zayackowski, Reychman 1955; Guboglu 1958]. Кейинги йилларда сафавий подшоҳларнинг Бобурий султонлар билан олиб борган дипломатик муносабатлари акс этган ҳужжатларнинг тузилиши борасида ҳам ишлар амалга оширилди. Бунга А.М. Фарзалиев ва Р.М.Мамедованинг “Сефевиды и Великие Моголы в мусульманской дипломатике” асарини киритиш мумкин [Фарзалиев, Мамедова 2004]. Тадқиқотда XVI–XVII юзйилликларда юртга эгалик қилган сафавийлар давлати билан бобурийлар салтанати ўртасидаги қўшничилик муносабатларининг айрим қирралари ёритилади. Шунингдек, Озарбайжон ФА Қўлёзмалар институти фондида сақланаётган “Муншаъати-с-салотин (Султонларнинг ёзишмалари)” манбасида келтирилган сафавий подшоҳлар ва Бобурий султонлар ўртасидаги мактубларнинг тузилиши, услуби ва ҳужжат битишнинг йўл-йўриқлари ўрганилган.

Биз тадқиқотнинг ушбу бўлимида шу кунга қадар яратилган гарб ва шарқ ҳужжатлари дипломатикасига бағишланган ишларнинг назарий базасига таяниб, тадқиқотда қабул қилинган расмий матнлар таснифи бўйича илк ва ўрта асрларда яратилган

туркий дипломатик хужжатларнинг тузилиши тўғрисидаги кузатувларимизни баён этамиз.

Халқаро дипломатик ёзишмаларнинг матн компонентлари

Ўрта асрларда ҳукм сурган салтанатлардан қолган ҳоқон, хон ва султонларнинг бир-бирига йўллаган мактублари дипломатик ёзишмаларнинг асосини ташкил этади. Шунингдек, ўрта аср канцелярия амалиётида дипломатик матннинг айрича, ўзига хос *ёрлиқ-мактублар* тури ҳам амалда бўлган. Ушбу хужжат туридан қарам ёки вассал давлатлар билан олиб борилган муносабатлар жараёнида фойдаланилган. Бундан ташқари элчи ва савдогарларнинг хавфсизлигини таъмин этувчи хужжатлар, халқаро битимлар, мамлакат тахтига янги ҳоқон ўтирганлигини билдириш мақсадида кўшни давлатларга йўлланган билдиргулик хатлари, урушда ғалаба қозonganлик муносабати билан ёзилган хужжатлар (зафар ёрлиқлари, фатхномалар)ни ҳам дипломатик матнлар туркумига киритиш мумкин.

Дипломатик ёзишмаларнинг мазмун-моҳияти ва тузилишига мувофиқ уч қисмга – *кириш, асосий матн, хотима* сингари бўлақларга ажратиш мумкин бўлади.

Дипломатик матнларнинг кириш қисми ўрта аср канцелярия маданиятига кўра муайян компонентлардан ташкил топади. Мисол ўрнида Олтин Ўрда хони Улуғ Муҳаммаднинг усмонлилар султони Мурод II га ёзган мактубининг бошланмасини келтирамиз: *Haq ta'āla ināyati ilā Muhammad payğambar mu'jizāti ilā Muhammadin ġāzi Muratqa salam.* – Ҳақ таъола инояти ила Муҳаммад пайғамбар мўъжизоти ила Муҳаммаддан Ғози Муродга салом [Қаранг: Султанов 1975, 282]. Бу ўринда бошлаб – тангрининг эътирофи (*Haq ta'āla ināyati ilā Muhammad payğambar mu'jizāti ilā*) келган. Иккинчи компоненти мактубнинг кимга тегишлилиги (ким

томонидан ёздирилаётганлиги *Muhammadin*)нинг қайди. Кейингиси қабул қилувчи томон. Ушбу компонентда хат йўлланаётган кишининг оти, унинг кимга юборилаётгани (*ġāzi Muratqa*) қайд этилган. Киришнинг сўнги компонентда хат йўлловчининг саломи (*salām*) баён қилинган. Ўрта асрларнинг дипломатик ёзишмалар амалиётида юқоридаги сингари бошланмалар мактубнинг кириш қисмини ташкил этган.

